



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 4 июнь, № 112 (9007)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ. Шу боис Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ, САМАРАЛИ БЎЛСИН



Ўқув йили тугаши билан юртимиздаги катта-кичик таълим-тарбия муассасалари бўшаб, теварак-атроф сув қуйгандек жимжит бўлиб қолади. Йил бўйи илм олиб, ниҳоят таътилга чиққан болаларнинг эса бўш вақтлари кўпаяди. Хўш, улар ёз бўйи нима билан машғул бўлади? Бўш вақтлари қандай ўтади? Бундан

Бахтли болалик

боланинг ўзига, оиласига, қолаверса, жамиятимизга, давлатимизга қандай наф тегади?

Бугун бу саволларга жавоб топиш борган сари муҳим бўлиб борапти. Чунки бола уйда ёлғиз ўтиргани билан кўлига бериб қўйганингиз интернету телефон орқали унинг руҳига, онгига, жисму жонига зимдан салбий таъсир ўтказадиган пинҳоний "раҳнамо"лари пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас...



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ВА ТАШАББУСЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўхталиб ўтди. Жумладан, шу йил 28-29 май кунлари Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелонининг мамлакатимизга расмий ташрифи, Самарқанд шаҳридаги олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Италия муносабатларининг барча йўналиши батафсил муҳокама қилингани, ўзаро ҳамкорликнинг янги истиқболлари белгилаб олинганини таъкидлади.

Шу йил 30 май куни Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Италия" форматидagi саммитда мамлакатимиз Президенти иштирок этиб нутқ сўзлагани, бугунги глобал ва

минтақавий алоқалардаги тенденциялардан келиб чиқиб, кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратгани айтиб ўтилди.

Президентимиз ташаббусининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини жойларда тарғиб қилиш ҳамда қонунчилик соҳасида қўллаб-қувватлаш юзасидан тегишли чоралар кўриш, сиёсий партиялар фракциялари, кўмита ва комиссиялар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар, белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб мазкур йўналишдаги ўз ишларини фаоллаштириши кераклигига алоҳида ургу берилди.



ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда "инсон — жамият — давлат" тамойили конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиёт даражасида мустаҳкамланган. Шу боис охириги 7-8 йилда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда тўлиқ қўлланилмоқда. Хусусан, ижтимоий давлат сифатида сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожларни уй-жой билан, шунингдек, бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағаллиқни қисқартиришга қаратилган ислохотларни халқимиз кундалик турмуш тарзида ҳис қилиб яшамоқда.

Муносабат

Буни биргина тиббиёт ва таълим соҳаларидаги ислохотлар мисолида ҳам

кўриш мумкин. Сўнгги йилларда тиббиёт ва таълимга ажратилаётган маблағлар 6-7 карра оширилди. Маҳалладаги бирламчи бўғин билан ихтисослаштирилган хизматларни боғлайдиган комплекс тизим яратилди.



МАҲАЛЛИЙ САНОАТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Вақт шиддати, маҳсулотлар турининг кўпайиши, рақобатнинг кучайиши, энг аввало, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни экспорт фаолиятига жалб этишни янада рағбатлантиришни тақозо этмоқда. Зотан, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва ижтимоий тараққиёти маҳаллий саноатнинг қанчалик ривожланганига бевосита боғлиқ. Айнан унинг рағбат қилиниши рақобатдор маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ўринлари яратиш, импортга бўлган қарамлиқни камайтиришга хизмат қилади.

Фикр

Давлатимиз раҳбари раислигида маҳаллий саноатни ривожлантириш бўйича келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишлар аниқ таҳлил қилиб берилди.

Дунё миқёсида ташқи бозордаги тебранишлар шароитида 1 миллионга яқин аҳолини ўзида жамлаган тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизнинг яна бир драйвери бўлиши кутилаётган заргарлик саноати янги суръат бағишлаш муҳимлиги қайд этилди.



ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯГА ЎРИН ЙЎҚ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда мактаб ва мактабгача таълим тизимидаги коррупция ҳолатлари, уларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Йиғилиш

Мажлисида таъкидланганидек, асосий мақсад — камчиликларни фош этиш эмас, балки уларга биргаликда ечим топишдан иборат. Шу боис Сенатнинг тегишли кўмиталари ва идоралар вакиллари билан ишчи гуруҳ вазирлиқ билан ҳамкорликда вазиятни ҳар томонлама ўрганди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар доирасида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси бўйича қатор дастурлар қабул қилинди. Шу билан бирга, мактабгача ва мактаб таълимига оид 79 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди.

Кейинги йилларда дунё миқёсида коррупция ҳолатларининг олдини олиш учун соҳаларни рақамлаштириш мақбул йўл сифатида кўрилмоқда. Шу боис таълим тизимида ҳам коррупция хавфини камайтириш мақсадида бир қатор давлат хизматлари электрон шаклда жорий этилди. Жумладан, болани мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, 1-синфга қабул қилиш, педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш, лицензиялаш, апостиль (махсус штамп қўйиш тартиби) қўйиш каби хизматлар рақамлаштирилди. Бу, ўз навбатида, фуқаролар учун қулайлик ва шаффофлик яратишга хизмат қилмоқда.

«Халқ сўзи».



Таъкидлаш жоизки, Халқаро меҳнат ташкилотининг доимий органи бўлган ушбу кўмита конференциянинг самарали фаолиятини таъминлаш, бошқарувнинг мураккаб масалаларини кўриб чиқиш ва ХМТ институционал барқарорлигини таъминлашда муҳим стратегик роль ўйнайди. Хусусан, у конференция томонидан ўзига ҳавола қилинган масалаларни кўриб чиқади ва ҳулосалар тайёрлайди ҳамда процессуал ва ташкилий масалаларга эътибор қаратган ҳолда ХМТ фаолиятининг турли жиҳатлари устидан назорат функцияларини амалга оширади.

Кўмита ўз мажлисларида 2025 йилда Ижтимоий ривожланиш бўйича Иккинчи жаҳон саммитини ўтказиш тўғрисидаги резолюция лойиҳаси, 2006 йилдаги Денгиз меҳнати конвенцияси кодексига қўшимчаларни маъқуллаш, шунингдек, Мьянма ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳамда Фаластиннинг ташкилот фаолиятидаги иштироки тўғрисидаги резолюция лойиҳасини кўриб чиқади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий кўмиталаридан бирида бундай юксак ва масъулиятли лавозимга сайланиши Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётгани, унинг глобал ижтимоий мулоқотни ривожлантиришга қўшган фаол ҳиссаси, меҳнат муносабатлари соҳасидаги ютуқлари эътироф этилганидан далолатдир.

Бу, шунингдек, Ўзбекистонга стратегик қарорларни шакллантиришга ҳисса қўиши, халқаро меҳнат ҳуқуқи тизимидаги обрўсини мустаҳкамлаш, яхши бошқарув, инсон ҳуқуқлари ва муносиб меҳнат тамойилларига содиқлигини намойиш этиш учун ноб имконият яратяди.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг ХМТдаги вакиллари ва уч томонлама ҳамкорлари фикрича, Ўзбекистоннинг раис лавозимига тайинланиши мамлакатда меҳнат соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, бандлик шароитларини яхшилаш, меҳнаткашлар имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти тамойилларига содиқлигининг эътирофи сифатида баҳоланмоқда. Ўзбекистон раислигида кўмита юқори масъулият, инклюзивлик ва ошқоралик билан иш олиб бориши, кун тартибидagi устувор масалаларнинг самарали кўриб чиқиши шунингдек таъминлаш ва ХМТ институционал салоҳиятини янада мустаҳкамлашга ишонч билдирилди.

Халқаро меҳнат конференциясининг 113-сессияси 13 июнга қадар давом этади.

«Дунё» АА.
Женева

АЁЛЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШДАГИ ҲИССАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Озгиргул Қозихонова Душанбе шахрида бўлиб ўтган “Аёлларнинг музикаларни асрашдаги ўрни” мавзусидаги форумда иштирок этди.

Форум

Тадбир минтақа мамлакатлари парламентлари, халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази вакиллари, экспертлар ва фаол хотин-қизларни бир ерга жамлади.

Форумнинг асосий мақсади — музикаларни ҳимоя қилиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва кучайтириш бўйича саёй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат. Ўзбекистон вакили ўз чиқишида мамлакатимизда иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган саёй-ҳаракатлар ва уларнинг аҳамиятига тўхтади. Айниқса, экологик ва қишлоқ ҳўжалиги лойиҳаларини амалга оширишда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўнунчилик ташаббуслари, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик ва амалий чораларга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, сенатор Ўзбекистоннинг Оролбўйи

минтақасини тиклаш бўйича ташаббуслари ҳақида фикр юритаркан, глобал исиш шароитида табиий ресурсларни барқарор бошқаришда аёлларнинг муҳим ролини эътироф этди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг экологик кўн тартибини шакллантиришдаги фаол иштирокига эътибор қаратди.

Бундан ташқари, Душанбе шахрига ташриф доирасида Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркменистон парламентлари вакилларининг Мажлиси Оли Мажлиси намоёндоган раиси Файзали Идизода билан жамоавий учрашуви ҳам ўтказилди.

Унда парламентлараро мулоқотни мустаҳкамлаш ва етакчи аёллар мулоқоти доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Душанбе форуми долзарб иқлим муаммоларини муҳокама қилиш ва гендер жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдонга айланди.

«Халқ сўзи».

КЕНГАШГАНГА — КЕНГ ДУНЁ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор М. Қодирхонова “Медиаия институти ривожланишининг замонавий тенденциялари ва суд амалиёти” мавзусида ташкил қилинган халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этди.

Конференция

Унда Олий суд ва Судьялар олий кенгаши раҳбари ярияти, судьялар, юридик олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбир доирасида Туркия, Қирғиз Республикаси, Озарбайжон ва Қозоғистондан ташриф буюрган малакали судьялар, медиа-торлар, ҳуқуқшунос олимлар ва таҳлилчилар медиа-ция институтининг ривожланиш тарихи, ҳуқуқий асослари ҳамда амалиёти юзасидан ўз фикри ва таърибаси билан ўртоқлашди.

Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низои судга олиб бормасдан, мурося йўл билан ҳал қилишга қаратилган медиа-ция — яраштирув жараёни алоҳида аҳамият касб этмокда. Ушбу йўналиш ўзининг маълум бир шартлари ва тамойилларига эга. Масалан, томонларнинг

тенг ҳуқуқлилиги, ихтиёрлилик, ўзаро ҳурмат, конфиденциаллик, жараённинг шаффофлиги, медиаторнинг ҳолислигини айтиш мумкин. Мазкур принципларга оғишмай риоя этиш низоларни адолатли ва оқилона ҳал қилишнинг муҳим омилиди.

Конференцияда медиа-ция низоларни суддан ташқари ҳал этиш, муросяга эришиш ва инсон манфаатларини устувор қўйиш маданияти эканлиги алоҳида таъкидланди.

Туркия, Қирғиз Республикаси, Озарбайжон ва Қозоғистон вакиллари томонидан илмий асосланган ва таҳлилий маърузалар тақдим этилди. Шунингдек, иштирокчиларга Ўзбекистонда медиа-ция институтининг ҳуқуқий асослари, мажлус суд амалиёти ва келгусидаги ривожланиш истиқболлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

«Халқ сўзи».

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БИРДАМЛИКДА РИВОЖЛАНИШ САРИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси аъзоси Г. Маъруфова “Ҳамжиҳатлик. Бирлик. Тараққиёт” шиори остида Екатеринбург шахрида бўлиб ўтган III Халқаро хотин-қизлар форумида иштирок этди.

Анжуман

Мазкур нуфузли халқаро тадбирда 20 дан ортиқ хорижий давлатлардан 5 мингдан зиёд иштирокчилар қатнашди.

Форумнинг ялпи мажлисида сўзга чиққан сенатор Г. Маъруфова мамлакатимизда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган аёллар сонини ортиб бораётганини алоҳида қайд этиб, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингани ҳамда гендер тенглигини таъмин-

лаш масаласига давлат сиёсати даражасидаги ёндашуш ҳақида фикр юритди.

Халқаро форум доирасида мамлакатимиз парламенти юқори палатаси аъзоси Свердловск областининг депутатлари, ҳокимият вакиллари ҳамда тадбиркор аёллар билан қатор учрашувлар ўтказди. Уларда икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро таъжриба алмашиш, хизматлар соҳасида экспорт салоҳиятини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, қўшма тадбирлар ўтказиш бўйича қатор келишувларга эришилди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА



“Агар дунёда битта аёл бўлса ҳам, заргарга иш топилади” деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда мамлакатимизда заргарликка қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли соҳа мутлақо янги босқичга чиқмокда. Хусусан, 2024 йил 23 июлда қабул қилинган Президент Фармони соҳада тўб ислохотларни бошлаб берди. Мазкур ҳужжатга асосан заргарлик бўйича фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ва божхона соҳаларида кенг қамровли имтиёзлар жорий этилди. Жумладан, қўшилган қиймат солигидан озод қилиш, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасига аъзо қорхоналарини ер ва мўлк со-лиқларидан озод этиш, имтиёзли кредит ли-нияларини очиш, ҳомашё, яъни олтин етказиб бериш бўйича қўлай шарт-шароитлар яратиш каби чора-тадбирлар амалга оширилди.

Энди бу имтиёзларнинг қўлами ва қамрови янада кенгайди. Хусусан, заргарлар ҳам якка тадбиркор сифатида тилла буюмлари савдо-си билан шугулланиши мумкин бўлади. Чет элдан мутахассис олиб келиш харажати-нинг 2,5 минг долларгача қисми камида 5 нафар шогирд чиқариш шарти билан қўллаб-берила-ди. Бу соҳада ҳам саноат усулига ўтиш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чора-лари қўрилади. Хусусан, заргарликка ишлати-ладиган ускуналар ва уларнинг бўтловчи қисм-лари импорт божидан озод қилинади. Навоий ва Олмалик қўн-металлургия қўшмабандла-рдан олтинни бўлиб тўлаш асосида сотиб олиш тартиби яна 3 йилга узайтирилади. Нуфузли брендлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг дизайни ва қўлимини олиб келиш харажати-нинг 30 минг долларгача қисми қўл-лаб бериладиган бўлди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, заргарликни саноат даражасига олиб чиқиш, ишлаб чи-қариши замонавийлаштириш ва дунё бренди-га айлантириш йўлида мамлакатимизда шахсан давлат раҳбари ташаббуси билан жиҳдий ва қатъий қадамлар ташланмокда. Кичик тадбир-

корлик учун яратилган шароитлар, кадрлар тайёрлашга берилган субсидиялар, техноло-гиялар олиб келишдаги имтиёзлар ва халқаро ҳамкорлик — буларнинг барчаси заргарлик соҳасини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмокда. Энг муҳими, бу орқали нафақат иқтисодиётда иш ўринлари яратилди, балки миллий маданият ва уммармандчилигимиз жа-ҳон миқёсида янада оммалашади.

Иқтисодиётнинг қатъий қонуни шундайки, махсулот бўлгани билан уни сотадиган бозор бўлмаса ёки аъло сифатли товар ҳақида ҳеч ким билмаса — соҳада ўсиш бўлмайди. Айнан шу кентиклиқни тўлдир-иш учун Президентимиз йўналишда эътироф этган энг муҳим ма-сала-лардан бири — миллий брендлар яратиш ва уларни халқаро бозорга олиб чиқиш бўлиб, бунда асосий эътибор Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш компаниясини ташкил этиш-га қаратилди.

Эътиборга молик жиҳати, янги ташкилот миллий махсулотларни халқаро бозорга кири-тиш учун стратегик режалар ишлаб чиқади. Қолаверса, компания халқаро стандартларга мос равишда махсулотларга сифат сертифи-катлари бериш тизимини йўлга қўяди. Бу мах-сулотларнинг халқаро бозордаги рақобатбар-дошлигини оширади ҳамда харидорлар ишон-чини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман, Миллий брендларни қўллаб-қувват-лаш компанияси маҳаллий ишлаб чиқарувчи-лар томонидан тайёрланган миллий махсулот-ларни дунё бозорига чиқаришда жиҳдий қадамдир. Сирасини айтганда эса маҳаллий саноат ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг юраги, десак, муболага бўлмайди. Зеро, са-ноат ривожланса, унга боғлиқ бўлган қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, логистика, таълим ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам юксалади.

Анна ДОБРИХ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси аъзоси.

МЕТРОПОЛИТЕН — УРБАНИЗАЦИЯНИНГ СТРАТЕГИК ДРАЙВЕРИ



Ҳар қандай юрт тараққиётининг муҳим мезонларидан бири аҳолининг эркин, хавфсиз ва самарали транспорт воситасига эга бўлиши билан белгиланади. Бу имконият фақат кундалик турмушни енгиллаштириш билан чекланмайди, балки жамиятдаги ижтимоий адолат, иқтисодий тенглик ва давлатнинг инсон капиталига бўлган муносабатини ҳам яққол намён этади.

■ Нуқтаи назар

Экологик тоза ва қўлай

Метрополитен — шаҳар инфратузилмаси-нинг марказий элементларидан бири бўлиб, унинг ривож ва янгиланиши мамлакат тарақ-қиётининг ўзига ҳос кўрсаткичи саналади. Шу маънода, сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ҳаётий ислохот-лар жараёнида транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, айниқса, метрополитен тармоқларини кенгайтириш давлат сиёсатининг муҳим стратегик йўналишига айланди. Метро-политен инфратузилмасини ривожлантириш иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фара-вониликни таъминлайди. Қолаверса, Ўзбекистон-нинг халқаро имижини ва инвестициявий ҳожиба-дорлигини оширишга ҳам қатта ҳисса қўшади.

Аслида ҳам, замонавий транспорт тизимла-ри ривожланган мамлакатлар ишончли ва иқти-содий ривожланишга очик юртлар сифатида тан олинади. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг халқаро даражадаги маъвқени мустаҳкамлаш-га, шунингдек, логистика соҳасидаги имкони-ятларини кенгайтиришга ҳамда янги инвести-циялар ва технология янгилликларни жалб қилишга қўлайлик яратади. Айниқса, “яшил” иқтисодиёт тамойиллари асосида экологик тоза транспортни жорий этиш Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига ҳам мос келади ва барқарор тараққиёт мақсадларини амалга оши-ришга қаратилган қадамларни кўрсатади.

Бугунги кунда Тошкент шахрида қурилаёт-ган янги метро бекатлари фақат функционал жиҳатдан самарали эмас, балки миллий мада-ният, тарихий мерос ва замонавий дизайн ечимларини ҳам муқассам қилган ҳолда лойи-ҳалаштирилмокда. Ҳар бир бекатнинг дизайни ва архитектура-си, унинг санъаткорона безак-лари ва маънавий юки, шаҳар аҳолиси учун илҳом манбаи бўлиб, миллилатнинг маданий ру-ҳини акс эттиради. Метрополитеннинг ҳар бир янги бекати шаҳарнинг замонавийлик ва ма-даният билан мувоозанатли ривожланишини на-моён қилади.

Шу билан бирга, интеллектуал шаҳар кон-цепцияси доирасида, автоматлаштирилган чип-та тизимлари, рақамли навигация, видеоназо-рат ва йўловчи оқимини таҳлил қилувчи плат-формалар каби рақамли ечимлар жорий этил-мокда. Бу нафақат самарадорлик ва хавфсиз-лиқни оширади, балки метрополитен тизими-ни реал вақтда бошқариш ва оптималлашти-риш имкониятини ҳам яратади. Бу рақамли техно-логиялар аҳолининг транспорт хизматлари-дан фойдаланиш жараёнини аниқ ва барқарор қилиб, тўлов тизимларининг интеграциясини таъминлашга ёрдам беради.

Тарихий йўл босиб ўтилди

Тошкент метрополитенининг 9 бекатдан иборат биринчи навбати 1977 йил ноябрь ойи-да фойдаланишга топширилган. Мустақиллик йилларида Тошкентда шахри марказини қатта тураржой массиви билан боғловчи 8 та бекат-дан иборат Юнусобод линияси қурилиб фой-даланишга топширилди. Юнусобод йўналиши-да узунлиги 2,9 км. бўлган ер ости метропо-литен линияси ҳамда “Юнусобод” ва “Турки-стон” бекатлари барпо этилди. Ер усти ҳалқа



Илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологик тиб-бий амалиётлар вилот ва туманларда ўтка-зилмокда. Масалан, авваллари бўйрак кўчи-риш билан боғлиқ амалиёт учун фуқаролар вақти ва маблағини сарфлаб пойтахтга ке-лишга ёки хорижий давлатга бориб давола-нишга мажбур бўлишар эди.

Бугунги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар фарзандлари таъли-мига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар йили 2 минг нафар хотин-қизларнинг олий таълим олишдаги харажатлари қўллаб-бериломда.

Шунингдек, даромади ва соғлигини йўқо-тиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқароларни қўллаб-қувватлаш қўлами бос-қичма-босқич кенгайтирилиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш учун ижтимоий хизмат ва ёрдам-лар ҳажми оширилмокда.

Яна бир муҳим ўзгариш — бу аҳолининг иқтисодий имконияти ошгани. Бундан беш йил аввал 23 фоиз ёки 7,5 млн. нафар аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига ҳам етмас эди. Утган даврда 3,5 млн. фуқаро учун даро-мад олиш имконияти яратилиб, камбағаллик-ни 11 фоизга туширишга эришилди. Келгуси уч йилда уни 7 фоизга тушириш режа қилин-ган. Хусусан, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида жорий йил бюджетдан 500 млрд. сўм маблаг йўналтирилган. Яна бир янгилик — йил боши-дан бўён ижтимоий хизмат ва ёрдамлар ва имтиёзларни ўзида муқассам этадиган янча “Ижтимоий карта” тизими босқичма-босқич жорий қилинмокда.

Буларга қўшимча равишда болалар меҳна-тига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқлари ишончи муҳофазаси ҳамда фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой би-



рополитен тизими учун юқори укувли кадр-ларни тайёрлаш, малака ошириш ва касбга тайёрлаш соҳасида инновацион ёндашувлар-ни жорий қилиш. Ушбу мақсадга эришиш учун бир қатор муҳим ишлар бажарилди. Марказ томонидан 12 та ўқув дастури тайёрланди. Шунингдек, 5 та дастур опти-маллаштирилди, яъни уларнинг мазмуни ва ўқитиш усуллари жадал ривожланиб бо-раётган технологиялар ва талабларга мос-лаштирилди.

2024 йилда 400 нафар ходимнинг малакаси оширилди. Бу жараёнда турли йўналишлар бўйича йигит ва қизларнинг укувини юксалти-риш учун янги курслар ва семинарлар ташкил этилди. 10 нафар ходим дефектоскопист кас-бига тайёрланди. Дефектоскопистлар — мет-рополитен тизимидаги ўта муҳим техник мута-хассислар бўлиб, улар техник жиҳозларнинг ҳолатини текшириш ва уларни таъмирлаш би-лан шугулланади. 21 нафар ходим эскалатор машинистси касби йўналишида таҳсил олди. Эс-калаторларнинг ишини тўғри ва хавфсиз амалга

лан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори белгиланиши каби ўзгаришлар шулар жумласидандир.

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қар-тилган чора-тадбирлар қўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда улар-нинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақ-садида қўни кеча қабул қилинган “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқ-дорини ошириш тўғрисида”ги Президент Фар-мони жорий йил давомида аҳолиимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, ижтимоий тенгликни таъминлаш ва даромадлар орасидаги тафо-вутни камайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлidir.

Фармон билан 2025 йил 1 июлдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар ҳамда кам таъмин-ланган оилаларга болалар нафақалари ва мод-дий ёрдам тўловлари миқдорлари 10 фоизга оширилиши белгиланди. Ушбу ташаббус аҳолининг қатта қисми учун нафақат озиқ-ов-қат, балки дори-дармон, коммунал тўловлар-га ҳам ёрдам бўлади. Хусусан, болалар нафа-қаси миқдорларининг ошиши оила бюджетига сезиларли енгиллик олиб келади. Масалан, уч нафар фарзанди бор оила ойига камида 740 минг сўм нафақа олади. Стипендия билан кўн кенчаётган талабалар учун китоб, транс-порт, овқат ва бошқа эҳтиёжлар учун қўшимча маблаг пайдо бўлади.

Албатта, буларнинг барчаси бугун консти-туциявий норма сифатида мустаҳкамланган “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” та-моийли ҳар жаҳда акс этиб бораётганини яққол ифодалайди.

Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси.

рополитен тизими учун юқори укувли кадр-ларни тайёрлаш, малака ошириш ва касбга тайёрлаш соҳасида инновацион ёндашувлар-ни жорий қилиш. Ушбу мақсадга эришиш учун бир қатор муҳим ишлар бажарилди. Марказ томонидан 12 та ўқув дастури тайёрланди. Шунингдек, 5 та дастур опти-маллаштирилди, яъни уларнинг мазмуни ва ўқитиш усуллари жадал ривожланиб бо-раётган технологиялар ва талабларга мос-лаштирилди.

2024 йилда 400 нафар ходимнинг малакаси оширилди. Бу жараёнда турли йўналишлар бўйича йигит ва қизларнинг укувини юксалти-риш учун янги курслар ва семинарлар ташкил этилди. 10 нафар ходим дефектоскопист кас-бига тайёрланди. Дефектоскопистлар — мет-рополитен тизимидаги ўта муҳим техник мута-хассислар бўлиб, улар техник жиҳозларнинг ҳолатини текшириш ва уларни таъмирлаш би-лан шугулланади. 21 нафар ходим эскалатор машинистси касби йўналишида таҳсил олди. Эс-калаторларнинг ишини тўғри ва хавфсиз амалга

Етук кадрларга ҳамма жойда эҳтиёж бор

2024 йилда юқори ва ўрта бўгин раҳбар лавозимларига кадрлар захирасини шакллан-тиш мақсадида Тошкент давлат транспорт университети-нинг касбий фаолиятига мос бўлган сиртқи таълим йўналишларига 95 на-фар, халқаро таълим дастурларига 94 нафар метрополитен ходими ўқишга юборилди. Ҳозирги кунда қорхона ҳисобидан сиртқи таъ-лим шакли бўйича 362 нафар ходим ўқитил-мокда. Утган йили ТДУФУ ва қисман бошқа олий таълим муассасаларидан 303 нафар битирувчи “Тошкент метрополитени” ДУК тар-кибидаги хизмат, депо ва бўлимларга ишга қабул қилинди.

Шунингдек, ушбу университетнинг “Транспорт воситалари муҳандислиги” (метрополитен) йўналишида таҳсил олаёт-ган 23 нафар (2, 3 ва 4-босқичдагилар) та-лаба метрополитен депо ва хизматларида тўлиқ бўлмаган иш режимида фаолият олиб бормокда.

Иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент давлат транспорт университети талаба-ёшлари учун “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғи стипендияси жорий этилди. Ишлаб чиқариш ва таълим ин-теграциясини амалга ошириш мақсадида “Тошкент метрополитени” ДУК таркибидаги “Чилонзор” электродепосида ушбу олий таъ-лим даргоҳининг Электр ҳаракат таркиби кафедраси филиали очилди.

Бундан ташқари, ТДТУ профессор-ўқитув-чиларининг метрополитен таркибидаги хиз-мат ва деполарда стажировка ўташлари учун тегишли шариот яратилди, 2024 йил даво-мида 50 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар метрополитенда стажировка ўтади.

Метрополитен — фақат транспорт восита-си эмас, балки урбанизациянинг стратегик драйвери, мегаполисининг ижтимоий ва икти-содий жиҳатдан барқарор ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил. Шунингдек, унинг ривожланиш умумий иқтисодий ўси-шга қатта ҳисса қўшади. У шаҳарнинг турли ҳудудларида истикомат қиладиган аҳолига бир хил шароитда, бир хил тезликда ва хавфсиз ҳаракатланиш имкониятини ярати-ши билан муҳим аҳамиятга эга.

Сухроб ТўРАҚУЛОВ,
«Тошкент метрополитени» ДУК бошлиғи унвонбасори,
Тошкент давлат транспорт университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент.

Хитойда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилди.

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ВА ТАШАББУСЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР



Мажлисида, шунингдек, Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳамда парламент назорати фаолиятига доир масалалар кўриб чиқилди.

Давлат бюджетининг 2024 йилдаги ижроси муҳокамаси

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.

Ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Иқтисодиёт ва молия вазири Ж. Қўчқоров тақдим этди.

Таъкидланганидек, Давлат бюджетининг 2024 йилдаги ижроси “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида амалга оширилган бўлиб, жаҳонда халқаро савдодаги мурраккаб вазиятларга қарамайдан 2024 йилда ҳам барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини берди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2023 йилдаги нисбатан 6,5 фоиз, иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бўлган хизматлар соҳаси 12,9 фоиз, қурилиш соҳаси 8,8 фоиз ҳамда саноат соҳаси 6,8 фоизга ўсган. Шунингдек, мамлакатда йиллик инфляция 9,8 фоизни ташкил этиб, ташқи савдо айланмаси 65,9 млрд. долларга етган. 2024 йил учун Давлат бюджети даромадлари ўтган йилдагига нисбатан 118,4 фоизга, Давлат бюджети харажатлари қарийб 111,0 фоизга бажарилган.

Депутатлар Давлат бюджети ижроси барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шaroитлар яратиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини амалга оширишга қаратилганини алоҳида эътироф этди.

Давлат бюджети харажатлари, биринчи навбатда, ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани халқ вакиллари эътиборида бўлди. Ҳисобот даврида бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ўз вақтида амалга оширилгани, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй-жой билан таъминлаш дастурлари учун маблағлар ҳеч қандай “кам-кўстларсиз” молиялаштирилгани мамлакатимиз “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилига амал қилинган ҳолда ривожланишга ёрқин мисолдир.

Мажлисида депутатлар Давлат бюджети маблағларининг 49,0 фоизи ёки 152,3 трлн. сўми ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштиришга сарфлангани, ушбу харажатларнинг 89,3 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилганини ижобий баҳолашди. Хусусан, таълим-тарбия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш учун 71,2 трлн. сўм, аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадида 36,0 трлн. сўм, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари учун 15,4 трлн. сўм миқдорига маблағ йўналтирилгани бугунги кунда ўз ифодасини топаётганини кўрсатмоқда.

Халқ вакиллари эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратди.

Депутатлар қизгин муҳокама давомида қонунда тасдиқланган макроеқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишига, давлат хараидлари соҳасидаги камчиликларга, вазирлик ва идораларда ички назорат тизими фаолиятининг янада такомиллаштирилишига, Ҳукуматни Давлат бюджети ижросида натижадорликка эришишига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига бюджетдан йўналтирилган маблағларнинг мақсадли сарфланishiга шахсий жавобгарлик юклатиш ва таъсирчан чоралар кўриш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди.

Халқ вакиллари Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йилдаги ижроси бўйича фикр билдирар экан, унинг изчил бажарилиши бир

қатор омилларга боғлиқ эканини таъкидлашди. Жумладан, **депутат Отабек Мусурмонов**нинг қайд этишича, янги тахрирдаги Конституциямизга мувофиқ, Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатаси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири саналади. Шу боис сиёсий партиялар фракциялари ва барча кўмиталар ўз йўналишларидан келиб чиқиб, Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли сарфланиши юзасидан тегишли мансабдор шахсларнинг ахборотларини мунтазам эшитиб бормоқда.

Шунингдек, вазирнинг ҳисоботида энергия ресурслари тарифлари масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилгани депутатлар диққат марказида бўлди. Хусусан, **депутат Нарғиза Саломова** ҳисоботида электр энергияси бўйича базавий тарифлар маълум миқдорда ошганига қарамай ижтимоий ҳимоя масалаларига эътибор қаратилганини таъкидлади. Масалан, кам таъминланган оиланинг ойлик даромади жон бошига 1 миллиондан кам бўлса, 200 кВтгача ишлатилган электр энергияси тўлови базавий меъёр доирасида бўлади. Бунга қўшимча яна 200 кВт ишлатадиган бўлса, 150 кВтнинг нархи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тўлаб берилади. Яъни Ижтимоий реестрга кирган оиллага кўмак берилади. Агар ўрта ҳолатдаги оила (ёз вақтида асосан кўп ишлатилади) 500 кВт электр ишлатса, унинг ойлик тўлови ўзгармасдан қолади. Умуман, май ойидан бошлаб электр бўйича оширилган тариф оиллага сезиларли харажатни кўпайтирмайди. Президентимизнинг жорий йил апрель ойидаги тегишли қарорига кўра, ноябрдан бошлаб 1,3 млн. аҳолига, яъни 13-14 фоиз оиллага 1 млн. сўмдан ёрдам бериш кўзда тутилган. Ушбу қарорга қўшимча топшириқ сифатида куз-киш мавсумига яна кўмакка муҳтож аҳолининг рўйхати қилиниб, уларга кўмак бериш режалаштирилган. Халқ вакили амалга оширилаётган бу каби ижтимоий ислохотлар кўмакка муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга хизмат қилишини эътироф этиб, жойларда аҳоли ўртасида бу бўйича кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб бориш мақсада мувофиқлигини таъкидлади.

Мажлисида кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

2025 йилнинг биринчи чораги: кўрсаткич ва натижалар қандай?

Мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, жаҳонда халқаро савдодаги мурраккаб вазиятларга қарамайдан ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 6,8 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,5 фоиз, бозор хизматлари 12,6 фоиз, қурилиш ишлари 10,8 фоиз ва қишлоқ ҳўхўлиги маҳсулотларини еттиштириш 3,8 фоизга ошгани мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари давом этаётганини кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 104,5 фоизга бажарилгани ҳамда харажатлар бўйича режа кўрсаткичлари 92 фоизни ташкил қилгани бюджет барқарорлиги таъминланаётганидан далолат бермоқда.

Муҳокамада халқ вакиллари мамлакатимизда ижтимоий соҳага қаратилаётган эътибор изчил кучайиб бораётганига эътибор қаратди. Бунинг тасдиғи сифатида ҳисобот даврида бюджетдан ижтимоий харажатлар учун 39,9 трлн. сўм ёки 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан қарийб 6,0 трлн. сўмга кўп маблағ ажратилгани кўрсатилди. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини молиялаштириш учун харажатлар аввалги йилларга нисбатан тўлиқ молиялаштирилганлигига аҳамият қаратилди.

Депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигига ҳам танқидий баҳо беришди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига ажра-

тиладиган маблағлардан умуман фойдаланилмаган. Нейросенсор қарлик ёки заиф эшитиладиган болаларда кохлеар имплантантлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун маблағ йўналтирилмаган. Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини шакллантириш учун ажратилган маблағларнинг 59,6 фоизи ўзлаштирилмагани жиддий танқид остига олинди.

Шунингдек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан чўлланиш, шомол эрозиясининг олдини олиш ҳамда ҳимоя ўрмонларини (ихота) барпо этиш харажатлари 46,0 фоизга, Транспорт вазирлиги томонидан объекتلарни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга ажратилган маблағлар эса 1,5 фоизга ижро этилганлиги депутатлар томонидан салбий баҳоланди.

Мажлисида депутатлар шу йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ййғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, вазирликлар ва идоралар томонидан кейинги чоракларда бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, шунингдек, харажатларнинг натижадорлигини ошириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар киритди.

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари кун тартибидagi масала юзасидан ўз муносабатларини билдирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган ислохотларнинг давом эттириш ҳамда тармоқ, соҳа ва ҳудудларни ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ва тезкор тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлашда бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ҳамда мақсадли сарфланишига эътибор қаратди. Дунёда кузатилаётган нобарқарорликлар шароитида мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолишда тадбиркорлик фаоллигини янада оширишда бюджет-солиқ сиёсатининг рағбатлантирувчи механизмларидан тўғри фойдаланишни таъминлашга оид таклиф ва тавсияларни берди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат бюджетидagi ижтимоий харажатларнинг мақсадлилиги ва натижадорлигига ургу берди. Шу ўринда мактаб ва мактабгача таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги харажатларнинг ушбу соҳаларга оид ривожлантириш дастурларида белгиланган мақсадли кўрсаткичларига мослиги таҳлил қилинди. Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилган тадбиркорлик субъектларига субсидиялар ўз вақтида берилмаётгани ҳамда тарихий археологик жойлар тўғрисида хорижий тилларда маълумотлар камлиги, музей-қўриқхоналар етарли даражада муҳофаза қилинмаётгани, илмий тадқиқотлар, илмий ишлар олиб борилмаётгани эътирозларга сабаб бўлди. Фракция аъзолари келгуси чоракларда ижтимоий соҳага оид ривожлантириш дастурларининг ижросини соҳага ажратилган бюджет харажатларининг натижадорлиги билан баҳолаш бўйича ўз таклифларини берди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси депутатлари иқтисослаштирилган муассасалар томонидан қўрсатилаётган бир хил турдаги тиббий хизматлар базавий нархлари ўртасида жиддий фарқлар борлигига, Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ўзлаштирилмаганига, шунингдек, умумтаълим мактабларида қувчиларга мактаб дарсликлари тўлиқ ва ўз вақтида етказиб берилмаётганига эътироз билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари муҳолифат фракцияси сифатида ҳисоботда айрим вазирлик ва идоралар томонидан бюджет маблағлари ўз вақтида ўзлаштирилмагани, маблағлар самарасиз ишлатилаётгани, нотўғри ажратилган субсидиялар мавжудлиги, имтиёзлар мақсадсиз берилганлигига ургу берди. Давлат хараидлари соҳасида қонунчиликка зид равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузилаётгани натижада давлат бюджетидан ажратилган маблағларни ўзлаштиришда коррупция ҳолатлари келиб чиқишига йўл қўйилаётганига эътироз билдирилди. Бундан ташқари, ривожлантириш дастурларини амалга оширишда айрим бюджетдан маблағ олувчи вазирлик ва идоралар томонидан мақсад индикаторларига эришилмагани танқидий баҳо-ланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ажратилган бюджет маблағлари тўлиқ ўзлаштирилмаганига нисбатан танқидий муносабатда бўлишди. Хусусан, чўл, тоғли ва тоғолди ҳудудларда чўлланиш ва қум кўчиши, тупроқнинг сув ва шомол эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида ҳимоя ўрмонларини (ихота) барпо этиш харажатлари сурункали равишда кам миқдорда ўзлаштирилишига эътироз билдирилди.

Мажлисида масъул кўмита — **Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси Шарофиддин Назаров** Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи чорагидаги ижроси танқидий кўриб чиқилгани, берилган саволларга вазирлик ва идоралар масъулларидан атофлича жавоблар олинганига ургу бериб, албатта, ушбу масалалар парламентнинг доимий назоратида эканини таъкидлади. Қолаверса, куни кеча сиёсий партиялар фракциялари ййғилишларида ҳам ушбу ҳисобот қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, танқидий-таҳлилий кўриб чиқилгани ва қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилгани айтилди.

Мажлис ақунда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, фракциялар ва кўмиталарга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган давлат дастурлари, тармоқларга оид, ҳудудий дастурлар ва лойиҳаларнинг натижадорлигини ўрганиш, бу борада депутатлар назоратини кучайтириш чораларини кўриш, тегишли вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурлари ҳамда уларнинг мақсадли индикаторлари ижросини ўз фаолияти йўналишларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотини эшитиб боришга оид тавсиялар берилди.

Хорижий мамлакатларда бўлиб турган фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси йўлида

Мажлисида “Хорижий мамлакатларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида” парламент сўровига берилган Ташқи ишлар вазири Б. Саидовнинг жавоби кўриб чиқилди.

Парламент сўровига жавобда келтирилишича, сўнгги йилларда хорижда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хорижда ҳужжатсиз қолиб кетган фуқароларимизга Ватанга қайтиш гу-



воҳномаси ва паспорт расмийлаштирилган, консуллик рўйхатида олиш, доимий яшашга рухсатнома расмийлаштириш, судланмаганлик ҳақида маълумотнома олиш, ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш бўйича муайян ишлар бажарилган. Расмий ҳужжатларни легаллаштириш, аполисть қўйиш, нотариал ва ФХД ҳаракатлари бажарилиб, фуқаролик масалалари юзасидан ҳужжатлар қабул қилинган.

Шунингдек, хорижда бўлган Ўзбекистон фуқаросини иш билан таъминлашда кўмак кўрсатилиб, яшаш учун маблағсиз қолган фуқарога моддий ёрдам берилган. Фуқаронинг ноқонуний олиб қўйилган ҳужжатлари қайтарилиб, нопок иш берувчилардан ойлик маошлари ундириб берилган.

Президентимиз ташаббуси билан Яқин Шарқдаги қурулми можаоралар ҳудудидан фуқароларимизни Ўзбекистонга қайтариш учун 2019 йил 30 май ойда илк марта “Меҳр” операцияси ўтказилган. 2019 — 2021 йилларда инсонпарварлик операциялари ўтказилиб, ваколатли идоралар ҳамкорлигида оловли нукталарда бўлган Ўзбекистон фуқаролари, асосан, аёллар ва болалар ватанга олиб келинган.

Бундан ташқари, 21 та (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Норвегия, Италия, Португалия, Чехия, Япония, Жанубий Корея, Россия ва қўшни давлатларда) янги диаспорал ташкилотлар ташкил этилган. Ҳозирги кунда 28 та мамлакатда 220 дан ортқ ватандошлар томонидан тузилган бирлашма ва миллий маданий марказлар фаолият кўрсатяпти.

Берилган жавобга кўра фуқароларимиз қаерда бўлишдан қатъи назар, уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида хорижда бўлган Ўзбекистон фуқароларига қулай шароитлар яратиш ва консуллик хизматларини кўрсатиш тизимини рақамлаштириш ишлари амалга оширилган.

Ҳозирги кунда хорижда вақтинчалик ва доимий истикомат қилувчи Ўзбекистон фуқароларига 15 хил консуллик хизмати тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, электрон портал ор-



қали интерактив шаклда хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Вазир жавобида келтирилишича, фуқаролик ҳолатлари далолатнома ёзувларини қайд этиш масалалари бўйича фуқаролар алоҳида электрон платформа орқали ариза топшириши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган.

Мажлисида парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атофлича маълумотлар тақдим қилганлиги қайд этилиб, Ташқи ишлар вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Рақамли технологиялар вазирлиги жавоби маълумот учун қабул қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2025 йил 6 май куни бўлиб ўтган мажлисида Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматовга “БМТнинг “Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси”да Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида” парламент сўрови юборилган эди.

Мажлисида депутатлар мазкур парламент сўровига юборилган жавобни кўриб чиқди.

Ушбу жавобда келтирилишича, бугунги кунда белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида “Рақамли ҳукумат лойиҳа офиси” фаолияти йўлга қўйилиб, рақамли ҳукумат тизимини ривожлантириш юзасидан амалдаги ҳолат бўйича таҳлиллар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилкоқда.

Натижада 2024 йилда эълон қилинган рейтинг натижаларига кўра Ўзбекистон 193 та давлат орасида 63-ўринни эгallaб, ўтган ҳисобот даврига нисбатан 6 поғонага, охириги 2 та рейтинг натижаларига кўра эса умумий 24 поғонага тақтирилган. Энг муҳими, Ўзбекистон илк мартада Электрон ҳукуматни ривожлантириш индексининг баланд гуруҳи (High EGD)дан Электрон ҳукуматни ривожлантириш индексининг жуда баланд гуруҳига (Very High EGD) қўшилган.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш жараёнини доимий равишда такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларида амалда фойдаланилаётган барча ахборот тизимларини ягона экотизимга биравлаштириш, беморларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш мақсадида бирламчи тиббий-санитария муассасалари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини автоматлаштиришга қаратилган “DMED” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Мазкур ахборот тизими республикадаги 470 та тиббиёт муассасасида ишга туширилган ва маълумотлар базасида 32 млн. нафар беморнинг бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги маълумотлари электрон шакллантирилган.

Вазир жавобига кўра “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёти ва электрон ҳукуматини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболдаги вазифаларини белгилайди. Ушбу стратегияни амалга ошириш учун ҳар икки йилда рақамли трансформация дастурлари қабул қилинмоқда.

Мазкур ҳужжатларда “Электрон ҳукумат” тизимининг янги босқичи — “Рақамли ҳукумат” тизимига ўтилиб, барча ҳужжат ва муносабатларнинг рақамли шаклда бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши учун мурожаат қилишида ариза ёзиш, турли шакллари тўлдириш каби ортқча формал тартибларни бекор қилиш, давлат идоралари зарур ҳужжатларни электрон базадан ўзи оладиган тизим яратиш, давлат хизматларини “3 қадам”, “фойдаланувчи ўзини мослаштирилган”, “барчаси бир мобиль иловлада” тамойиллари асосида рақамлаштириш ва бошқа қатор вазифалар ўрин олган.

Бундан ташқари, мазкур лойиҳа доирасида соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, коммунал, қишлоқ ва сув ҳўжаллиги соҳасидаги барча хизмат ва жараёнларни рақамлаштириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” дастури доирасида 60 дан ортқ устувор лойиҳаларни ишга тушириш назарда тутилмоқда.

Шу йил бошидан буй Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 51 янги электрон хизмат жорий этилиб, уларнинг умумий сони 751 тага етган бўлса, фойдаланувчилар сони 11 млн. нафардан ошган. Қолаверса, ягона порталнинг мобиль иловасида 100 дан ортқ янги электрон хизматлар жорий қилинган ҳолда уларнинг умумий сони 565 тага етказилган.

Мажлисида парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атофлича маълумотлар тақдим қилингани қайд этилиб, Рақамли технологиялар вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Навоий вилоятида жорий йил охирига қадар 140 минг нафар ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш режа қилинган.

АГРАР СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг долзарб масалалардан бири, шубҳасиз, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир. Чунки иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар оқибатида кузатилаётган экстремал ҳолатлар, табиий офатлар, экин ерлари ва сув тақчиллиги сингари муаммолар қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати ривожига салбий таъсир кўрсатаётгани бор гап.

Халқаро экспертларнинг фикрича, иқлим ўзгариши муаммоларига, айниқса, Марказий Осиёё мамлакатлари ўта таъсирчан бўлиб, ўз вақтида чоралар қўрилмаса, бу глобал озиқ-овқат таъминоти занжирида узилишларга, муҳим кундалик истеъмол товарлари нархининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Айни шу жиҳат аҳолиси йилгига қарийб 1 миллион кишига кўпайиб, нуфуси салкам 38 миллион нафарни ташкил этаётган Ўзбекистон учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифага айланганини аналитади, албатта. Шу боис сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишловлар, айниқса, аграр соҳада олиб борилаётган тизимли янгиланишлар марказида миллий озиқ-овқат хавфсизлиги стратегияси турибди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш каби дастурий вазифалар аграр тармоқ ривожининг янги босқичга кўтарилишига мустаҳкам замин яратмоқда. Натижада юртимизда мураккаб шароитга қарамадсан, 2024 йили 9 млн. тонна дон, 3 млн. тоннадан ортиқ пахта, 16 млн. тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 млн. тонна мева ва узум, 4 млн. тонна картошка, 15 млн. тоннадан кўп гўшт ва сут, 30 минг тонна пилла етиштирилди. Бу йилги марралар эса бундан-да баландроқ қилиб олинган.

Илмга асосланган ва инновацион ёндашув

Очигини айтиш керак, глобал иқлим ўзгаришлари таъсири ҳар мавсумда ҳар хил тусда намоён бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги ходимларини жиддий синовдан ўтказмоқда. Табиатнинг қўтилганган ин-жиқчиликлари туфайли экинлардан юқори ҳосил кўтариш осон кечмаяпти. Маса-лан, бу йилги май ойи ёнғинларчи-лар камлиги, ортиқча иссиқ ҳарорати билан деҳқонларни ташвишга солиб қўйди.

Шу ўринда айтиш жоизки, мамла-катимизда қишлоқ ҳўжалигини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, уларнинг салбий таъсирини юмшатиш мақсади-да Миллий дастур қабул қилинганга, унинг ижросини таъминлаш ҳамда мах-сулот етиштирувчиларни қўллаб-қувват-лаш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилаётгани деҳқон фермерларга кат-та далда бўлипти. Ёнғ асосийси, соҳа-да илм-фан ва инновация ютуқлари кенг жорий этилиб, амалиётга илгор агро-технологиялар ишчил татбиқ қилинаёт-гани туфайли вазиятдан оқилона чиқиб кетилмоқда.

Хусусан, кейинги пайтда деҳқончи-ликда навни тўғри танлашга алоҳида масъулият билан ёндашиляпти. Бунда ҳосилдорлик хусусити билан бирга экстремал об-хаво шароитига мосла-шувчанлиги, сувсизлик ва касаликлар-га чидамлилигига жиддий эътибор қаратилмоқда. Пахтачиликда ана шу та-моиллар асосида хориж гўза навлари танлаб еклиаётгани қўтилган самарани беряпти. Ҳосилдорлик тобора ошмоқ-да. Фаллачиликда эса ресурс тежайди-ган замонавий агротехнологияларни қўллаш натижасида ўртача ҳосилдор-лик соҳа тарихида илк бор 85 центнер-га етказилди. Мазкур кўрсаткиччи 90 — 100 центнерга етказган фермер ҳўжаликлари сони ўтган мавсумда олти мингдан ортиқчи, бу аграр соҳани сифат жиҳатдан ривожлантириш бора-сида олиб борилаётган ишлар юксак натижа бераётганидан далолатдир.

Ресурстежамкор усуллар ҳақида гап кетганда, сабзавотчиликда қўллани-лаётган ана шундай янгилчиларга ҳам тўхталиш жоиз. Гап шундаки, интенсив технология асосида 50 минг гектар май-донда сабзавот етиштирилганида ҳосилдорлик анъанавий усулга нисба-тан 200 — 250 центнерга ошгани ҳолда, соф даромад гектаридан 6 — 8 минг долларни ташкил этди. Буларнинг бари ички бозорни бог ва дала неъматлари билан тўлдириш, озиқ-овқат махсулот-лари нархи ошиб кетишмаслигининг ол-дини олиш, ёнғ асосийси, экспорт ҳажми ортишига хизмат қилляпти.

Миллий статистика кўмитаси маъ-лумотларига қараганда, 2024 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжали-ги махсулот (хизмат)лари ҳажми 467 041,5 млрд. сўмни ташкил этди. Кўрсаткич 2023 йилдагига нисбатан 3,1 фоиз ўсган. Бундай ижобий нати-жа, асосан, қишлоқ ҳўжалиги махсулот-ларини етиштириш ҳажмининг ошган-лиги, жумладан, узум 5,4 фоиз, полиз 5,1 фоиз, мева 4,8 фоиз, донли экин-лар 4,8 фоиз, картошка 4,0 фоиз кўп етиштирилгани билан изоҳланади.

Айни пайтда Ўзбекистон 180 турдан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат махсулотларини 80 дан зиёд мамла-катларга экспорт қилмоқда. Биргина 2024 йил давомида қиймати 1,5 млрд. АКШ долларлилик 2 млн. тонна мева-сабзавот, 8,9 млн. долларлик 6,4 минг тонна қалампи, 22,3 млн. долларлик 14,5 минг тонна ёрғоқ, 17,4 млн. дол-ларлик 11,2 минг тонна қўритилган ўрик экспорт қилинган. Шубҳасиз, бу зами-нинида етиштирилган ноз-неъматлар-га халқаро бозорда талаб ортиб бора-ётганини, Ўзбекистон жаҳон озиқ-овқат бозоридидаги ўрнини тобора мустаҳкамлаётганини кўрсатади.

Мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги ортиси бевосита озиқ-овқат хавфсизлиги қай даражада таъ-минланганига боғлиқ. Бунга аграр соҳа тараққиётисиз эришиб бўлмайди. Шу-нинг учун қишлоқ ҳўжалигини ривож-



лантиришга қаратилган тизимли иш-ловлар олиб борилиб, аввало, соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11 сентябрдаги Фармони билан тас-диқланган “Ўзбекистон — 2030” стра-тегиясида айни йўналишдаги янги ус-тувор вазифалар қамраб олинган. Яъни қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин оши-риш, пахта бўйича ўртача 45 — 50, фалла бўйича 80 — 85 центнерга еткази-ш, аграр соҳага жами 15 млрд. дол-ларлик инвестиция жалб қилиш, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш белгиланди. Пи-ровардида бир гектардан олиннадиган ўртача даромадни 5 минг долларга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспорт қий-матини йилгига 10 млрд. долларга ет-казиш мақсад қилинган.

Эътиборлиси, эндиликда соҳа олди-га янги мақсадлар қўйилляпти. Илгари-гидек фақат юқори ҳосил кўтариш эмас, балки моддий ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш эвазига олинадиган яқуний натижада — қўриладиган соф фойда ҳажмининг ортиси асосий ме-зонга айланди. Шу маънода, “Ўзбеки-стон — 2030” стратегиясини “Агроф-муҳитни асраш ва “ашил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида юқори авлодди ва хориждан олиб келинган уруғларни экиш, интен-сив технологиялардан фойдаланган ҳолда экинлар парваришини йўлга қўйиш орқали гектарлар даромадини ўртача 5 минг долларга етказиш кўзда тутилгани диққатга сазовордир.

2024 йил 16 февралдаги “Республи-када озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-лашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин. Негаки, унда озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йил-гача мўлжалланган стратегияси тас-диқланди. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлаш, стра-тегик аҳамиятга эга қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат махсулотлари захира-ларини яратиш, табиий ва техноген офат-лар, глобал сиёсий ва иқтисодий инқи-роэлар, пандемия, ҳарбий амалиёт ё бошқа ҳодисаларнинг салбий таъсири оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш, шунингдек, хабардор қилиш ва мониторинг платформасини яратиш стратегиянинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Жорий йилда “Озиқ-овқат хавфсиз-лиги тўғрисида”ги Қонун имзолангач, ушбу соҳадаги муносабатларни тар-тибга солувчи нормаларни ягона ҳуж-жатга унификация қилиш ва тизимлаш-тириш, бир сўз билан айтганда, ягона ҳуқуқий асос яратилди. Мазкур ҳужжат-га мувофиқ, қишлоқ ҳўжалиги вази-рлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-лашда ваколатли давлат органи сифа-тида белгиланди. Унга республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият орган-ларининг озиқ-овқат хавфсизлиги со-ҳасидаги фаолиятини мувофиқлашти-риш, озиқ-овқат махсулотлари ва хомашесини ишлаб чиқариш билан боғ-лиқ фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйи-ча тақлифлар тайёрлаш, озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида махсулот етиштириш жараёнларини тақомиллаш-тириш ва ривожлантиришга доир қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли стратегия-ларни ишлаб чиқиш каби ваколатлар берилди.

Шунингдек, қонунда озиқ-овқат мах-сулотлари танқислигига йўл қўймаслик

бўйича давлат томонидан қандай чо-ралар қўрилиши, озиқ-овқат баланси-ни шакллантириш, истеъмолчилар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилди.

Халқчил тадбир, тизимли ҳисоб-китоб

Юртимизда 2025 йил ҳосили учун жами 4 млн. 800 минг гектарда қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштириш мўлжалланган. Шундан 2 млн. гектар-дан зиёдида полиз-сабзавот, картош-ка, дуккакли экинлар жойлаштирилди. Бу шунчаки режа эмас, балки пухта ҳисоб-китоб асосида қўйилган аниқ мақсад бўлиб, экинларни экиш, пар-варишлаш ва ҳосилини йиғиштириб, захирага жамлаш каби тадбирлар мун-тазам мониторинг қилиб борилади. Хусусан, аҳолига бирламчи зарур бўлган 10 турдаги асосий озиқ-овқат махсулотларининг тизимли ҳисоб-ки-тоби қўйилади. Бунда ҳар бир ту-манда қандай махсулот етиштирили-ши, ички бозор учун қанча захира яратилиши қамраб олинади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавф-сизлигини таъминлашда нафақат фер-мер ҳўжаликлари ёки кластер ва кооперациялар кучига таянляпти, бал-ки деҳқон ва томорқа ҳўжаликлари



кенг имкониятлар берилаётир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки улар истеъмол неъматларини етказиб беришда етакчига айланган. Ҳўжалик тоифалари бўйича тахлиллар бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари умумий ҳажмининг 63,1 фоизи айнан деҳқон ва томорқа ҳўжаликлари ҳисса-сига тўғри келишини кўрсатмоқда.

Чиндан ҳам, Президентимиз ташаб-буси билан 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб берилган эди. Шунингдек, Сайхунбод тажрибаси асосида томорқаларда мах-сулот етиштирилш ташкилий-толиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу бир томондан одамларни, айниқса, ёшларни иш ўрни ва даромад билан таъминлашда қўл келаётган бўлса, ик-кинчи томондан, қишлоқ ҳўжалиги мах-сулотлари кўп етиштирилиш, уларнинг нархини барқарор ушлаб туришда му-ҳим омилга айланди. Шу боис Сир-дарё вилоятининг Сайхунбод тумани-да тўпланган тажриба бүтун мамлака-тимизга кенг жорий этилди.

Илгари Сайхунбоддаги маҳаллалар-нинг қўллаб хонадонлари соҳиблари ўз томорқасининг бўш турмаслиги учун маккажўҳори ёки беда экиб, рўзгор учун керакли бўлган полиз, сабзавот махсу-лотлари ва мева-чева учун бозорга югу-лишарди. Юртбошимиз ташаббуси би-лан ҳар бир хонадонда табиий ишти-ладиган кичик иссиқхоналар барпо этиш йўлга қўйилгач, томорқа эгалари оиланинг кундалик истеъмол махсулот-ларига бўлган эҳтиёжни ўзлари қонди-риб, бозорга эртаги помидор, бодринг, бўлғор қалампир, бақлажон каби неъматларни чиқара бошлади. Ўтган йили тумanning ўзида аҳоли томорқа-сида етиштирилган 28 минг тонна саб-



завот ва полиз махсулотлари ички ис-теъмол учун сотилган бўлса, 8 минг тон-наси экспортга йўналтирилди. Шу ра-қамнинг ўзиеқ Сайхунбод тажрибаси истиқболи порлоқ эканини амалда кўрсатди.

Юртимизда томорқачилик ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити ва та-биий имкониятлари инобатга олинган ҳолда муайян йўналишда ривожланти-риляпти. Натижада 5145 та маҳалла “Бир маҳалла — бир махсулот” та-мойили асосида бир тармоққа икти-сослаштирилди. Шунингдек, деҳқон ҳўжаликларини ташкил этиш учун 75 минг гектар ер майдонлари 180 минг на-фадан зиёд ижтимоий муҳтож аҳоли ҳамда ёшларга бўлиб берилгани, 200 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилгани қишлоқда бандликни таъ-минлаш, реал даромадларни ошириш, камбағалликни қисқартиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Бундан ташқари, чорва наслини ях-шилаш ва махсулот ҳажмини кўпайти-риш учун аҳолига 40 минг бош қора-мол, 82 мингта қўй ва эчки етказиб берилди, четдан 260 минг бош зотдор мол олиб келинди. Буларнинг бари ички бозорни сифатли арзон махсулотлар билан тўлдириш, аҳолининг харид қоби-лияти ва истеъмол сифатини ошириш-да айни мудидао бўляпти.

“Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш каби дастурий вазифалар аграр тармоқ ривожининг янги босқичга кўтарилишига мустаҳкам замин яратмоқда. Натижада юртимизда мураккаб шароитга қарамадсан, 2024 йили 9 млн. тонна дон, 3 млн. тоннадан ортиқ пахта, 16 млн. тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 млн. тонна мева ва узум, 4 млн. тонна картошка, 15 млн. тоннадан кўп гўшт ва сут, 30 минг тонна пилла етиштирилди. Бу йилги марралар эса бундан-да баландроқ қилиб олинган.”

Халқаро майдондаги нуфуз ортди

Аграр соҳа тубдан ўзгариб, махсу-лот етказиб беришининг “Даладан — дастурхонгача” занжири узвийлиги таъ-минланишида илм-фан ютуқлари ҳамда инновацияга асосланган замонавий бошқарув гоёси хал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Натижада Ўзбекистон мева-сабзавот махсулотлари етишти-риш бўйича Марказий Осиёда етакчи давлатга айланди. Ушбу жараёнда Тош-кент давлат аграр университетининг но-ваторлик ролини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки бу ерда бугунги замон та-лабларига тўла жавоб берадиган рақо-батдош кадрлар тайёрлаш учун ўқув жараёнига жаҳоннинг энг илгор тажри-балари татбиқ қилиняпти. Бунда, авва-ло, таълим сифатини яхшилашга усту-вор аҳамият берилаётгани эътиборга моликдир. Натижада 2024/2025 ўқув йилида 32 та таълим йўналиши ва 47 та магистратура мутахассислиги бўйича 500 дан ортиқ ўқув дастурлари (силлабус) “ТОП — 300” талик ОТМ даст-турларига мослаштирилди. Хитой, Польша, Россия, Туркия ва Венгрия дав-латлари университетлари билан бешта бакалавр таълим йўналиши, тўртта ма-гистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурлари жорий этилди.

Шу билан бирга, охириги икки йилда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамда “ASIN” халқаро агентлиги билан ҳамкорликда тўртта таълим йўна-лиши халқаро аккредитациядан ўтказил-ди. Бу эса таълим дастурларининг халқаро даражада тан олинishi, уни-верситетнинг жаҳон майдонидидаги ну-фузи ортаётганидан далолат беради.

Дунёвий тажрибадан маълумки, олий таълимда назария амалиёт билан уй-ғунашса, самарадорлик янада ошади. Шу боис талабаларнинг назарий би-лимларини амалиёт билан боғлаш мақ-садига дуал таълим тизими қўлланил-моқда. Айни пайтда Агросаноати ри-



вожлантириш агентлиги, Ўрмон ҳўжа-лиги агентлиги, “Leo Garden”, “Agro Light Business”, “Multi Flora”, “PROMEAT” МЧК, “Safia Cafe & Bakery” каби рес-публикамиздаги 26 та йирик ташкилот ва корхоналар билан дуал таълим таш-кил этилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 2025 йилда 187 на-фар талаба Польша, Германия, Болга-рия каби мамлакатларга қисқа муддат-ли ҳақ тўланадиган ўқув амалиётлари-га юборилди. Ушбу йўналишдаги ало-қаларни янада кенгайтириш учун акин-да Хитой, Греция, Венгрия ва Хорва-тияда талабалар амалиётини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида на-фақат талабалар, балки университет профессор-ўқитувчилари ҳам хориж-да тажриба ошириб келаётгани қувво-нарлидир. Биргина 2025 йилнинг ян-варь — май ойларида 50 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар Польша, Туркия, Малайзия, Жанубий Корея, ХХР ва Россия Федерациясининг нуфузли олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотларига малака ошириш ва стажировкаларга юборилди. Ўз нав-батига, Германия, Польша, Туркия, Ма-лайзия, Жанубий Корея, Хитой ва Рос-сиянинг етакчи олий таълим ва илмий тадқиқот ташкилотларининг 30 нафар-дан ортиқ профессорлари универ-

сайин юксалиб бораётганини биргина илмий тадқиқот натижаларини тижорат-лаштириш ҳолати мисолида ҳам аяқол кўриш мумкин. Яъни профессор-ўқитувчилар эришилган илмий ютуқ-лар, яратилган инновацион технология-лар, ишланма ва ихтиролар асосида агрокластерлар, фермер ҳўжаликлари, шунингдек, ишлаб чиқариш корхонала-рига кўрсатилган хизматлар эвазига 2024 йилда университетнинг Тижорат-лаштириш жамғармасига 3,5 млрд. сўм маблағ тўшган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 10 млрд. сўмдан оши-риш кўзда тутилган.

Табиийки, бундай ютуқлар қўлга ки-ритилишида илмий изланувчилар учун замонавий жиҳозланган лаборатория-лар, тажриба майдонлари мавжудлиги қўл келяпти, албатта. Ҳозирги кунда давлат илмий-техника дастурлари дои-расида 5 та амалий лойиҳа ва 130 га яқин илмий тадқиқотлар университет-нинг ўқув-илмий тажриба ҳўжалигида олиб боришмоқда.

Сўнгги йилларда бу ерда ўтказилган илмий изланишлар доирасида 50 дан ортиқ ихтироларга патентлар олинди. Шу жумладан, юқори ҳосилли, турли иқлим шароитига мослашган фалла, гўза, мева-сабзавот экинларининг янги навлари яратилди ва истиқболли хо-риж навлари маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилди. Масалан, жорий йилда Хитой Шимол-ғарбий қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги универси-тети билан ҳамкорликда Хитойда яратилган олманнинг учта нави интро-дукция қилинди ва олма боғлари бар-по этилди. Хитойлик мутахассислар би-лан ҳамкорликда ушбу навлар юрти-миз тупроқ-иқлим шароитига мослаши-шини ўрганиш ва уларни парваришлаш-нинг замонавий технологияси ишлаб чиқилмоқда. Янги олма навлари ҳосил-дорлиги, ташвишга яроқлилиги, узоқ вақт сақланувчанлигидан ташқари меваси-нинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан бошқа навлардан ажралиб тура-ди. Ушбу бог тўлиқ ҳосилга кирганда ва агротехника тадбирлари ўз вақтида сифатли амалга оширилганда ҳар туп-дан 25 — 30 килодан, бир гектаридан эса ўртача 60 — 70 тоннагача ҳосил олинади.

Худди шундай, янги барпо қилинган анжир боғи ҳамда иссиқхоналарда цит-рус мевали ўсимликлар коллекцияси ташкил этилиб, қўчат етиштириш йўлга қўйилган. Польшалик ҳамкорлар билан янги турдаги резавор мевали ўсимлик-лар — қулундай, малина, голубика ва ежевика коллекцияси яратилмоқда. Бун-дан ташқари, талаб юқори бўлган мах-сулотлар, саккиз турдаги қарам, гулка-рам, брокколи ва салат барги, шунинг-дек, сабзи, пивёз ва картошканинг серфосил навларини етиштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

Ўқув-илмий тажриба ҳўжалигида иқлим ўзгаришларига мослашиш, ай-ниқса, шўрланган ерларда экин етиш-тириш устида тадқиқотлар олиб бори-лаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Айни пайтда Шўрланиш шарои-тида Биодехқончилик халқаро маркази (ICBA — International Center for Biosaline Agriculture) билан ҳамкорликда дегра-дацияга учраган ерларда амарант ва киноа ўсимликларини етиштириш бўйи-ча тажрибалар ўтказилмоқда. Бу экин-лар қууроқчилик ва иссиқликка чидам-ли бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда янги имкониятлар эши-гини очishi турган гап. Шунинг учун университет олимлари томонидан бу каби илмий тадқиқот ва техник ишлан-маларни амалиётга жорий этиш, улар асосида ишлаб чиқилган тавсияларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсади-да мунтазам дала семинарлари, агро-фестиваллар ташкил этилмоқда.

Нарзулло ОБЛОМУРАДОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc).

Май ойида Ўзбекистондан Кувайтга 3,2 тоннага тенг бўлган ҳўл мева экспорт қилинди.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
ТАФСИЛОТЛАР

Чиммосда «IT-шаҳарча»
фаолияти йўлга қўйилди



Бугунги ҳаёtimизни рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис соҳани янада ривожлантириш мақсад қилинган. Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, ҳар бир вилоятда “IT-шаҳарча”лар фаолиятини самарали ташкил этиш белгиланган.

Самарқанд вилоятидан Қўшрабoт туманининг олис “Чиммос” маҳалла фуқаролар йиғини тaнлаб олиниб, 35 сотих бўш ва фойдаланилмайётган ер майдонидa “IT-шаҳарча” барпо қилинди. Унинг расмий очилиш маросимидa Рақамли технологиялар вазирлиғи, Самарқанд вилояти ва Қўшрабoт тумани ҳoқимлиғи вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу “IT-шаҳарча”да йилгига минг нафарга яқин ёшлар дастурлаш, дизайн графикаси, компьютер саводхонлиғи каби соҳаларда чуқур билим олиш, хорижий тилларни бепул ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Абдулозис ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ўйингоҳ замонавий
қиёфада

Когон шаҳридаги “Локомотив” ўйингоҳи 1967 йилда барпо этилган. Вақт ўтиши билан у таъмирталаб ҳолга тушди. Ваҳоланки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, спортнинг у ёки бу тури билан профессионал даражада шуғулланиши учун мазкур иншоот даржа керак.



Бухоро вилояти ҳoқимлиғи томонидан “Локомотив” ўйингоҳидаги эски бинолар ўрнига янги, замонавий қулайликларга эга иншоот барпо этиш мақсадида 3,5 млрд. сўм миқдоридaги маблағ йўналтирилди. Натижада 3,5 минг томошабин ўрнига мўлжалланган икки қаватли минбар қад ростлади. Майдон ҳолати яхшиланиб, инфратузилма ўзгарди. Қисқача айтганда, ўйингоҳ чинакамга “ёшарди”.

— Когон шаҳри спорт соҳасида бой аъналарга эга, — дейди меҳнат фахрийси И. Ҳoжиев. — Ўз вақтида бу гўшадан қўллаб таниқли спортчилар етишиб чиққан. Шу нуқтаи назардан, “Локомотив” ўйингоҳининг тўбдан реконструкция қилингани шаҳримиз аҳолиси, айниқса, спортсевар ёшларни беҳад хурсанд қилди.

Ўйингоҳнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган маросимда спортчи ўғил-қизлар ўз маҳоратини намойиш этди. Тадбир дастуридан ўрин олган куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият бағишлади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

«Гилос сайли» фестивали



Қува агротуризмни ривожлантиришда қулай ҳудуд бўлиб, туман боғларида етиштирилаётган гилос, анор, ўрик, шафтоли, хурмо, қулупнай юртимиз бозорлари, хорижда ҳам харидорғир ҳисобланади. Бу борадаги имкониятлар қўламини ошириш мақсадида “Каркидон” сув омбори ҳудудида “Гилос сайли” фестивали ўтказилди.

Тадбир доирасида Фаргона вилоятда интенсив боғлар яратиш орқали экспорт имкониятларини ошириш бўйича мулоқотлар бўлиб ўтди. Ўз навбатида, агросаноат соҳасини ривожлантириш, тармоқда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан амалий семинар ҳам ташкил этилди.

— Утган йили туманда 80,4 млн. долларлик мевасабзавот маҳсулотлари экспорт қилиниб, унинг 37 млн. долларлик қисmini гилос ташкил этди, — дейди Қува тумани ҳoқими Ҳалимжон Умаров. — Жорий йил май ойи ҳолатига қўра, 13 минг тонна гилос экспорт қилинишига эришилди.

Фестивалда кўргазмалар, миллий қадрият ва аъначаларни тарғиб этувчи маданий дастурлар ҳам намойиш қилинди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЎЗГИ ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ,
САМАРАЛИ БЎЛСИН

Афсуски, бу шунчаки ваҳима эмас, кибержиноятчилик хуружи билан юзага келган реал хавф-хатар. Биласиз, юртимизда интернет кириб бормаган уй қолмаган, ҳар бир хонадонда, ҳатто кам таъминланган оилада ҳам телевизор ва телефон бор. Маълумотларга қараганда, 2017 — 2025 йилларда интернет фойдаланувчилари сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етиб, икки баробардан ошишқа кўпайган. Кундалик ҳаётимизнинг ўзи ҳам бунга яққол намойён этиб турибди.

Вақтинг кетди —
нақднинг кетди

Узоққа бормайлик, аксарият ҳолларда ота-оналар эрталабдан кечгача ишда. Интернетнинг кўзга кўринмас узун “панжалари” эса каттаю кичикнинг онгига ўз таъсирини ўтказиш ҳаракатида. Ҳали ғўр, онгу шуури етарлича шаклланмаган болалар эса ахборот маконининг хатарли жиҳатларидан беҳабар, уларда глобал тармоқнинг ҳужумига бардош берадиган руҳий ёнқини мафкуравий иммунитет етарли эмас. Кўн телефон ёки телевизорга тикилиб, савияси паст роликларни томоша қилиш, компьютер ўйинларида кўч синашиш, маза-бемаза қўлларга махлиёлик билан ўтмаслиғига қафолат йўқ.

Эскидан бир гап бор: “Дўстинг қимлигини айт ва мен қимлигингни айтман”. Ҳаётий тажрибамиз ошгани сайин бу ҳикматнинг ҳақиқатга нечоғли яқин эканига ҳаммамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Шунга қарамай, ҳозирги глобал рақамлаштириш асрида бу иқтисосни биров ўзгартирган бўлардиқ: “Вақтинг қандай ўтаётганини айт ва мен қимлигингни айтман”.

Ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, юртимиздаги ҳар бир боланинг бўш вақти мазмунли ўтиши ҳақида қайғуриш биз, катталар учун ҳам қарз, ҳам фарзга айланган. Бу вазифа тарбия жараёнининг муҳим бир қисмига айланган бўлиб, маърифатпарвар олим Абдулла Авлоний айтганидек, ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласида.

Бугина эмас. Ёз палласи йил бўйи ўқиш билан банд бўлган боланинг соғлиғини тиклаш учун қулай пайт саналади. Бўш вақт кўп, шу фурсатда болани тиббий қўриқдан ўтказиш, касаллик бўлса, аниқлаб даволатиш, ёш организмнинг уйғун ривожланиб, куч-қувватга тўлиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатишнинг айнаи вақти. Уни турли кўнглочлар тадбирларга олиб бориш, спорт, ўзи қизиққан соҳалардаги тўғаракларда шуғулланиши учун шароит яратиш ҳам жисмонан, ҳам руҳан саломатлиғи учун қони фойда.

Энг мақбули, боланинг бўш вақтини самарали ташкил этишни ўз ишининг усталарига топшириш керак. Бунинг учун юртимизда барча шароит мавжуд. Ёзги таътил даврида деярли ҳар бир туман, шаҳарда спорт секциялари, тўғараклар уйлари ишлайди, мактаблар қошида кундузги оромгоҳлар, баҳаво масканларда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилади.

Ҳеч бир бола
эътибордан
четда қолмасин

Жорий йилнинг 15 май кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислиғида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларни касб-хунарга ўргатиш, тўғри тарбиялаш, зарарли таъсирлардан асраш долзарб масалалардан эканига алоҳида урғу берилди. Болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш ҳаммани ўйлантираётган муаммо эканлиғи таъкидланиб, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиғи ҳузурида Президент қарорига мувофиқ, Болалар контентиини ривожлантириш маркази ташкил қилинишига эътибор қаратилди.

Шунингдек, йиғилишда ёзги таътилга чиққан ёшларни оромгоҳлар ва фойдали магулотларга жалб этиш, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ва санъат кечалари ўтказиш бўйича вазифалар белгиланди. Жумладан, ёз ойларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида барча таълим муассасаларининг спорт майдончаси ва ўқув хоналарида ёшлар учун спорт, фан ва касб тўғараклари очилиши топширилди. Ўзлаштириш даражаси паст мактабларга энг яхши мутахассислар жалб қилиниб, ўқувчилар учун ҳафтасига олти соатлик ўқув курслари ташкил этилиши зарурлиғи айтилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун 900 га яқин театр, маданият марказлари ва концерт заллари, ҳудудларда 1,5 мингга яқин спорт майдончалари, 2 мингдан ортиқ туризм объектлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлиғи таъкидланди.

Мутасаддиларга жойлардаги амфитеатр ва сайилгоҳларда ҳар кўни концерт ҳамда мусика кечалари ўтказиш, маданият ва истироҳат боғларида санъат кўргазмалари,

шеърят кечалари ва интеллектуал ўйинлар ташкил этиш, пойтахтдаги “Янги Ўзбекистон” боғи ва паркларда ҳар кўни очик осмон остида концертлар уюштириш топширилди. Бу ишлар спорт соҳасида ҳам ташкил қилиниб, 6 миллион ёшларни қамраб олишга кўрсатма берилди.

Ёзги оромгоҳларда ёшлар “Ибрат фарзандлари”, “Қизлар академияси”, “Мутолаа” лойиҳалари билан қамраб олиниши, 100 минг ўқувчи учун мактабларда кундузги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилиши, “Заковат” интеллектуал ўйинининг мактаб лигаси ташкил этилиши белгиланди. Бундан ташқари, “Рақамли авлод” лойиҳаси доира-сида қамида 50 минг ёшни ўқитиб, IT ва киберспорт турнирлари, “Рақамли авлод қизлари” лойиҳаси бўйича туман ҳамда вилоят танловлари ўтказиш режалаштирилди.

150 дан ортиқ сўний ва барча табиий сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш, бунда ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифасига эътибор қаратилди. “Ёшлар туризми ойлғи” ўтказилиб, 1 млн. ёшлар учун музей ва тарихий обидаларга экскурсиялар ташкил қилинади.

Оромгоҳда
ҳикмат кўп

Таътилдаги ўқувчи болаларнинг бошқа тоифаси ҳам бор. Уларнинг ота-оналари алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, ёзнинг иссиқ чиласида фарзандларини оромгоҳларга юборишди, чўчки улар бола соғлиғини тиклаш, бўш вақтини самарали ўтказишда оромгоҳнинг афзалликларини теран англашади.

Мутахассисларнинг айтишича, болаларнинг самарали дам олиши ва куч тўплаши учун катталарга нисбатан кўпроқ вақт талаб қилинади. Бу ёш организмнинг фаол ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, унга катта миқдорда энергия талаб қилинади. Сифатли дам олишнинг етишмаслиғи эса боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ўқиш қўбилиятига ва умумий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Болалар оромгоҳларида бола парвариши айнан шу мезонлар назарда тутилган ҳолда самарали ташкил этилади: унинг тўғри овқатланиши, мириқиб ухлаши, соғлиғи учун фойдали тиббий, табиий ва бошқа турдаги муолажаларни олиши, ҳунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши ҳамда бошқа қўллаб

“Жорий мавсумда ҳам болаларнинг соғломлаштирилиши ва дам олишини таъминлаш учун кенг қўламли ишлар бажарилади. Хусусан, ёз мавсуми давомида мамлакатимиз миқёсида 1 428 та оромгоҳда 327 минг 354 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Мазкур оромгоҳларнинг 189 таси стационар турдаги оромгоҳлар бўлиб, ушбу масканларда 158 780 нафар болажон соғломлаштирилади, шу жумладан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги 81 стационар турдаги оромгоҳда 76 655 нафар ўғил-қизнинг мазмунли дам олиши таъминланади. Шунингдек, мактаблар қошидаги 1 239 та кундузги оромгоҳда эса 168 минг 574 нафар бола дам олдирилади.”

билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун барча имконият яратиб берилади. Кенг ва шинам ошхоналар, ётоқхоналар, сузиш ҳавзалари, ўйин ҳамда дам олиш майдончалари, Мазнавият ва маърифат хоналари, кутубхоналар ва тўғараклар ёшлар ихтиёрида бўлади.

Ёз мавсумининг мароқли ўтишини таъминлашни ота-оналар ҳам удаласа бўладию имконлари етарли бўлмайди. Аксарияти тонгдан оқшомга қадар иш билан банд, демакки, таътилдаги боласига етарлича вақт ва эътибор ажрата олмаслиғи аниқ. Шундай пайтда жиғаргўшаларини оромгоҳга юбориш имконияти ниятда қўлади.

Ҳўш, юртимизда бунинг учун етарли шароитлар борми? Оромгоҳларда қамров қай даражада? Уларга ҳамма болалар ҳам бора оладими ёки айрим оилаларнинг бунга имкони етдими?

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бу масалага ҳам эътибор қўйилди. Болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний, руҳий, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтириш ишлари янги сифат босқичига олиб чиқилди. Масалан, фаолият юритмай қўйган ёки самарасиз ишлаётган болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини ўнглаш мақсадида уларнинг 80 таси Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказилди. Натижада оромгоҳларга жалб этиладиган болалар салмоғи қўлайтирилиб, хизматлар сифати яхшиланди. 2024 йил 29 майдиги “Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладиган болалар қамровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори бу борадаги



сайё-ҳаракатлар қўламини янада оширди. Соғломлаштириш тизими тўбдан тақомиллаштирилиб, болаларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш имкониятлари оширилди.

Ғамхўрлик амалий
ишларда акс этмокда

Жорий мавсумда ҳам болаларнинг соғломлаштирилиши ва дам олишини таъминлаш учун кенг қўламли ишлар бажарилади. Хусусан, ёз мавсуми давомида мамлакатимиз миқёсида 1 428 та оромгоҳда 327 минг 354 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Мазкур оромгоҳларнинг 189 таси стационар турдаги оромгоҳлар бўлиб, ушбу масканларда 158 780 нафар болажон соғломлаштирилади, шу жумладан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги 81 стационар турдаги оромгоҳда 76 655 нафар ўғил-қизнинг мазмунли дам олиши таъминланади. Шунингдек, мактаблар қошидаги 1 239 та кундузги оромгоҳда эса 168 минг 574 нафар бола дам олдирилади.

Очили, ушбу дам олиш масканларини мавсумга тайёрлаш ишлари анча аввал бошлаб юборилган. Масалан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги 74 та оромгоҳ олдидан таъмирла-ниб, болаларни қабул қилиб олиш-

тибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш йўналишларида доимий иш олиб боради.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти томонидан мавсум олдидан мамлакатимиздаги ҳар бир стационар турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳининг бино-иншоотлари ҳолатидан тортиб, унга олиб боровчи йўللар, электр, газ, сув таъминоти — барча-барчаси текширилиб, аниқланган қамчиликлар тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда бартараф қилин-ди. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва сақланиши, санитария нор-малари, қойдалари, гигиена норма-тивлари ҳамда хавфсизлик талаб-ларига амал қилинишини таъмин-лаш масалалари жиҳиди назоратга олинди. Транспорт вазирлиғи томо-нидан болаларнинг оромгоҳларга бориб келиши учун 920 та автобус жалб этилиши белгиланди.

Оромгоҳларда болаларни яна бир янглик кутмокда. Масъуллар томонидан илгор хорижий тажриба ва миллий аъналарга асосида маҳ-суус 12 кўнлик дастур тўзилиб, унинг доирасида оромгоҳда ўтган ҳар бир кўн ёшларга қизиқарли бўлган му-айян мавзуга бағишланиши, мута-носиб тарзда қизиқарли фестивал-лар, мусобақалар, сермазмун тан-лов ва виқториналар, тўғараклар ташкил этилиши йўлга қўйилди. Ма-салан, “Заковат” кўнида “Эртаклар оламига саёҳат”, “Қитобхонлиқ” тан-ловлари, “Заковат” интеллектуал ўйини ва шахмат мусобақалари ўтказилади. “Ижод ва истеъод” ку-нида “Талант шоу”, “Қизқарли те-атр” спектакль намойиши ва “Маш-хўрларга тақлид” мусиқий бадий чикишлар амалга оширилади. “Мо-хир қўллар” кўнида қасаба йўналти-рилган “Оромгоҳ ҳазинаси” интер-фаол ўйини, кубик-рубик ва кема моделларини ясаш, “Еш архитек-тор” танлови ва “Шарқ бозори” кўргазмалари ташкил этилади. “Спорт ва саломатлик” кўни даво-мида болалар ўртасида мусобақа-ларнинг финал босқичлари, “Кўнвоқ-стартлар” спорт эстафетаси ва бошқа тадбирлар ўтказилади. “Мил-латлар дўстлиғи” кўнида эса “Ўзбе-кистон — умумий уйимиз” миллият-лар фестивали ва катта концерт то-мошаси ташкил этилади. Шунинг-дек, дам олиш кўнлари туризм ва ўлкашунослик, табиати асраш, ҳар-бий ватанпарварлик, миллий қад-риятлар мавзуларида оид тадбир-лар ўтказиш белгиланган. 12 кўн-лик дастур ижросини таъминлаш ишига нафақат ташкилотчилар, бал-ки тегишли вазирлик ва идоралар ҳам масъул саналиб, тахрирбали му-тахассислар жалб этилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Бу йилдан юртимиз оромгоҳларида ўтадиган ҳар бир кўн Ўзбекистон Республика-сининг Давлат мадҳияси билан бошланади. Мазкур ташаббус бо-ларал қалбида ватанпарварлик ва ўз юртига садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида йўлга қўйилди.

Йўлланма қимларга
берилади?

Оромгоҳлардаги бу шароитлар-га ҳавас қилган ҳар бир газетчи-да, табиийки, савол туғилад: бу оромгоҳларга ўз фарзандларини юборса бўладими?

Давлатимиз раҳбарининг ташаб-буси билан жорий этилган очиклиқ, шаффофлик, тенг ҳуқуқлилик мезон-лари ушбу соҳага ҳам ижобий таъ-сир ўтказган. Эндиликда йўлланма олиш учун идорама-идора сарсон

Асосийси, танлов сиздан азиз ота-оналар! Мўҳими, фарзандингизга беъэтибор бўлманг, уларнинг қамол топиши учун юртимизда яратилаётган қулай шарт-шароитлардан, кенг имкониятлардан самарали фойдаланг. Бундан нафақат сиз ва болангиз, балки жамиятимиз, қолаверса, давлатимиз ҳам манфаатдор эканини теран ҳис қилинг.

бўлиб юришга ҳожат йўқ. Ҳар би-римиз фарзандимиз учун исталган оромгоҳга ҳеч бир қийинчиликсиз, ҳатто уйдан туриб ҳам йўлланма ха-рид қилсақ бўлади. Мўҳими, фур-сатни бой бермаслик, чўнки мав-сум аллақачон бошланган, талаб-горлар сони эса ошгандан ошиб борапти.

Ҳозирги кўнда йўлланмалар юри-дик ва жисмоний шахсларга “Oromgohlar.uz” электрон платфор-маси орқали онлайн сотилмокда. Бунинг учун веб-саҳифага кириб, ундаги актуал нарҳлар, бўш ўрин-лар, яшаш шароитлари ва мавсум дастурлари ҳақида тўлиқ маълумот топса бўлади. Тўловни “Click” ва “Payme” орқали амалга ошириш мумкин. Мабодо бўш ўринлар мав-жуд бўлмаса, қўтиш рўйхатида ари-за қолдириш сўралади. Имконият пайдо бўлиши билан тегишли ха-бар сиз кўрсатган телефон рақами ёки электрон почтага автоматик ра-вишда юборилади.

Бундан ташқари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам сотиб олиш мумкин. Бунинг учун ариза бевучи электрон тар-тибда рўйхатдан ўтиб, оромгоҳдаги бўш сменани танлаган ҳолда сўро-нома юборади. Тўлов тўлиқ амалга оширилиши билан йўлланма рас-мийлаштирилади. Бироқ тўлов 30 дақиқа ичида тўлиқ амалга оши-рилмаса, банд қилинган йўлланма автоматик тарзда бекор қилинади. Таъкидлаш ўринлики, мамлаки-ти-миздаги қорхона, ташкилот ва му-ассасаларда фаолият юритаётган меҳнаткашларнинг фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар улар ишлаб турган қорхона қасаба уюш-ма қўмитаси орқали имтиёзли нарҳларда берилиши йўлга қўйил-ган. Шу билан бирга, “темир даф-тар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”дан бирига қиритилган фуқароларнинг фарзандларига, Оролбўйи болажонларига ҳам ало-ҳида эътибор қаратилиб, уларни имтиёзли йўлланмалар асосида соғломлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмокда.

Ота-оналар оромгоҳнинг эксклю-зив таълими ёки спорт йўналиш-лари бўлган турларигача танлаша-лари мумкин. Агар фарзандингиз фан-га қизқиса, “Еш астроном” ёки “Бе-руний” каби мавзули оромгоҳларни қўриб қиқчилиш мумкин. “Геолог”, “Соҳил”, “Уғам” каби оромгоҳлар за-монавий шароитлар ва ривожлан-ган инфратузилмани тақлиф этади. Машхур йўналишлар, яъни “Анор”, “Чотқол”, “Сирдарё” ва бошқалар-да дам олишни олдидан режалаш-тириш тавсия этилади. Энг мўҳи-ми, ҳар бир оромгоҳда тиббиёт хо-димлари, барча хавфсизлик чора-лари қўрилган ҳолда доимий қўриқ-лаш хизмати, малакали ходимлар фаолияти, тегишли хизматларнинг доимий навбатчилиғи йўлга қўйилган.

Жорий йилда ҳам аънаанага қўра ёзги соғломлаштириш мавсуми 1 июндан бошланиши ва қатор ором-гоҳлар ўз фаолиятини бошлади. Ху-сусан, 3 июнь ҳолатига мамлаки-ти-миз миқёсида 56 та стационар тур-даги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ўғил-қизларни ўз қўчо-ғига олди. Айни кўнда мазкур ором-гоҳларда жами 7 764 нафар бола соғломлаштирилмокда. Шу жумла-дан, Ўзбекистон қасаба уюшма-лари Федерацияси тасарруфидаги жами 81 оромгоҳдан 22 таси ўз иштини бошлаган бўлиб, уларда 3 340 нафар бола соғломлаштирил-мокда. Бундан ташқари, республи-камиз бўйича 344 та кундузги ором-гоҳга 24 минг 900 нафар ўғил-қиз қамраб олинди.

Гулбаҳор ТАНИРОВА
(«Халқ сўзи»),
Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари.

ТАЪЛИМ СИФАТИ:

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ

Бугунги глобал ўзгаришлар шароитида таълим тизими тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, ҳар қандай ривожланган давлат эришган натижалар замирида, аввало, илм-фан ютуқлари ётади. Таълим сифатининг юқори бўлиши малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилади, мамлакат иқтисодий ривожланишига туртки беради. Сифатли таълим жамиятда онгли ва фаол фуқароларни шакллантиради, бу давлат барқарорлиги ва ижтимоий тараққиёти учун ўта муҳимдир.

Фармон моҳияти

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 майдаги “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони таълим соҳасидаги ислохотларнинг ҳозирги босқичида янги устувор вазифалар ва таълим сифатини таъминлаш бўйича муҳим механизмларни белгилаб бергани билан аҳамиятлидир. Президентимиз ташаббуси билан таълим ташкилотларида ўқув ва илмий тадқиқот жараёнларини халқаро стандартлар асосида қадошлаш тизимини жорий этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйилди. Ислохотларнинг ушбу босқичида таълим сифатини ташқи баҳолашга ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга алоҳида урғу берилмоқда.

Фармонда таълим сифатини ташқи баҳолаш ва таълим хизматларини кўрсатишнинг замонавий тенденцияларига асосланган механизмлари белгилаб берилди. Улар таълим муассасалари фаолиятини ҳолис ва мустақил равишда таҳлил этишга хизмат қилади. Бу жараён орқали камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, шунингдек, жамоатчилик ва давлатнинг ишончини оширишга эришилади.

Ташқи баҳолаш таълимда шаффофлик, жавобгарлик ва рақобатбардошликни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади. Шу боис “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси негизига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги ташкил этилди. Ушбу агентлик ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг ўқувини ошириш, малакаларни баҳолаш соҳаларида ташқи сифат назоратини олиб боровчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Айни вақтда таълим муассасалари учун бундай тузилмага ахтиёж мавжуд эди. Чунки узлуксиз таълимнинг барча босқичидаги ўқув жараёнларини ҳолис баҳолайдиган мустақил тузилманинг мавжуд бўлиши ҳар жиҳатдан адолатли ва самарали тизимни шакллантиради.

Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигига берилган бир қатор ваколатлар унинг аҳамияти ва допзорлигини кўрсатиб турибди. Масалан, идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотларини комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш таълим ташкилотлари мақсад ва вазифалари

ни тўлақонли бажаришини, таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилиш орқали таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлайди, талабалар, ота-оналар ва жамиятнинг уларга бўлган ишончини оширади. Шунингдек, мазкур агентлик таълим ташкилотини муурожаатлар, сўровнома асосида аниқланган камчиликлар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар материаллари ва бошқа ишончли маълумотлар асосида навбатдан ташқари ўрганади. Бундай ваколат таълим тизими бўйича жамоатчилик фикрини ифодалашга, мавжуд муаммолар ва юзга келган мураккабликларни бартараф этишга, рақобатли кадрлар тайёрлаш жараёнига кўмаклашишга имкон беради. Бошқа соҳалар каби таълим тизими ҳам унинг иштирокчилари, аҳолининг кенг вакиллари фикрлари ва тақлифларини инобатга олиши, замонавий тенденцияларга мос бўлиши зарур.

Агентликка ўқувчи ва талабаларнинг фикрларини ўрганишга қаратилган умумийлиги сўровнома ўтказиш ваколати ҳам берилди. Бундай амалиёт таълим тизими учун илк бора қўлланилади. Шу вақтга қадар сўровномалар мўайян таълим ташкилотлари кесимида ўтказилган ва таҳлил қилинган бўлиши мумкин, лекин умумийлиги масала сифатида республика миқёсида ўқувчи ва талабалар иштирокида ўтказилмаган. Умумийлиги талабалар сўровномаси таълим ташкилотларининг қандайдир кадр тайёрлаётганини баҳолаш учун самарали тизимга айланиши, шубҳасиз.

Айтиш лозимки, бундай сўровномалар ўтказиш ривожланган давлатлар тажрибасида кенг қўлланилади. Масалан, умумийлиги талабалар сўровномаси (National Student Survey) Буюк Британияда 2005 йилдан бери ҳар йили январь — апрель ойларида ўтказиб келинади. Сўровномада Англия, Уэльс, Шимолий Ирландия ва Шотландиядаги давлат бюджетли томонидан молиялаштирилаётган барча олий таълим муассасалари иштирок этади. Унда ҳар йили қарийб ярим миллион талаба қатнашади. Шу асосда олийгоҳлар, коллежлар ва талабалар уюмлари фаолиятининг ижобий ва салбий томонлари аниқланади. Бу сўровнома Буюк Британия олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини ўлчайдиган асосий восита бўлиб, у бозор талабларига мос малакага эга кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Бу Британия олий таълимнинг жаҳон миқёсида рақобатбардош бўлиши ҳамда юқори даражали имижини сақлаб қоллишида ҳам муҳим омил бўлганини инкор қилиб бўлмайди. Умумийлиги талабалар сўрови-



ни жорий этиш мамлакатимиз олий таълим сектори учун ноёб тажриба бўлиши мумкин. Чунки у тизимнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида қимматли маълумотларни тақдим қилади ҳамда олий ўқув сифатини такомиллаштириш йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Қолаверса, бу механизм нафақат олийгоҳлар, балки умумий ўрта ва ўрта махсус таълим учун ҳам самара беради. Узлуксиз таълимнинг барча босқичидаги ўқув сифатини баҳолашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш таълим

“Ахборот-технологияларидан самарали фойдаланишда ҳам масофавий таълим қулай ҳисобланади. Видеодарслар, онлайн тестлар, виртуал форумлар ва электрон дарсликлардан фойдаланиш асосида таълим берилади. Талаба материалларни қайта-қайта кўриб чиқиши мумкин, бу ўзлаштириш даражасини оширади. Бундан ташқари, масофавий таълимда талабаларнинг транспорт, тураржой ёки кундалик харажатлари деярли бўлмайдми.”

босқичлари ўртасидаги боғлиқликни мустахкамлайди.

Тизим барча учун тенг имкониятларни тақдим этишга, шахснинг қобилиятини юзга чиқаришга, инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилиши лозим. Шу жиҳатдан, билим бериш шаклларининг такомиллашиб бораётгани ҳам ёшларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш ва сифатли ўқувни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ахборот технологиялари ривожланган бугунги даврда таълим беришнинг муқобил шаклларида фойдаланиш ҳар жиҳатдан заруратдир. Шундан келиб чиқиб, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб сиртки шаклга қабул тугатилиб, кундузги таълимдан бошқа муқобил ўқув шакллари бўйича қабул квоталари босқичма-босқич ошириб борилади.

Хусусан, янги ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларининг муқобил таълим шакллари бўйича умумий қабул квотасини кундузги таълим шакли қабул натижасининг 50 фоизидан талаба қатнашади. Магистратура босқичида муқобил таълим шакллари асосида илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга рухсат берилди. Олий таълим ташкилотларида муқобил таълимнинг кредит-модуль тизимига асосланган мақбуллаштирилган кундузги ўқув шакли (part-time education) бўйича ўқитишга йўлга қўйишга рухсат берилди. Яъни Фармонга кўра замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш назарда тутилган ҳолда талаба учун билим олиш қулайлаштириляпти. Ба-калавр билан биргаликда магис-

тратура босқичида ҳам муқобил таълим шакллари асосида илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга рухсат берилляпти. Энди бакалавр босқичини тугатиб, ишлаб турган ёшлар магистратурага ўқиш билан боғлиқ мақсадини амалга оширса бўлади.

Хўш, жорий этилаётган “part-time education” таълим шакли, деганда нимани тушуниш керак?

Бундай шакл кундузги таълимда қисқа вақтларда ўқи ёки олий таълим олиш имкониятини яратди. Масофавий билим олишдан ҳам фойдаланилади, ўқиш вақти талабаларга қулайлаштирилади. Австралия, Канада, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа давлатларда олий ва ундан кейинги таълимда “part-time education” шаклидан фойдаланишда ва ўз-ўзидан бунга талаб ҳам юқори даражада, дейиш мумкин. Ҳатто айрим давлатларда бакалавр ва магистратурада 20 — 30 фоиз талабалар, олий ўқув юртидан кейинги таълимда 40 фоиз изла-нувчилар мақбуллаштирилган кундузги таълим асосида ўқишади.

Таълим олишнинг мақбуллаштирилган шакли сифатида масофавий таълим ҳам замонавий ахборот-технологиялари шароитида катта имконият беради. Масофавий таълимда вақт ва жой бўйича эркинлик мавжуд. Талаба интернет орқали ўзига қулай вақт ва жойда ўқиш имкониятига эга бўлади. Сиртки таълимда олдиндан белгиланган аниқ кунларда ва бир ўқув йили давомида икки маротаба таълим этиладиган сессияларда олийгоҳга бориш талаб қилинган бўлса, масофавий таълимда географик чекловлар йўқ — олий таълим ташкилотидан узоқ масофада, ҳатто чет элда туриб ҳам дарсларда қатнашиш мумкин.

Ахборот-технологияларидан самарали фойдаланишда ҳам масофавий таълим қулай ҳисобланади. Видеодарслар, онлайн тестлар, виртуал форумлар ва электрон дарсликлардан фойдаланиш асосида таълим берилди. Талаба материалларни қайта-қайта кўриб чиқиши мумкин, бу ўзлаштириш даражасини оширади. Бундан ташқари, масофавий таълимда талабаларнинг транспорт, тураржой ёки кундалик харажатлари деярли бўлмайдми. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, масофавий таълимда платформа орқали талаба ўқитувчи билан тез-тез мулоқот қилиши мумкин. Талаба ўз саволларига тез жавоб олиш имконига эга бўлади, доимий равишда мулоқот тизими ўзига керакли бўлган билим ва малакаларни пухта эгаллашни таъминлайди. Сиртки таълимда бу алоқа фақат сессия пайтида амалга оширилади.

Ўзбекистонда масофавий таълим шакли сўнгги йилларда жадал ривожланиб, олий таълим муассасаларида кенг жорий этилмоқда. 2022 йилда республика олий таълим ташкилотларида масофавий таълим оловчиларнинг сони 3 554 нафарни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб уларнинг сони 18 325 нафарга етганлигини алоҳида айтиш жоиз. Яъни йилдан-йилга мазкур таълим шаклига ахтиёж ортиб бормоқда ва шунга мос равишда қабул квоталари оширилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда бошқа олий ўқув юртиларида масофавий таълим марказлари ва платформалари самарали ишлатмоқда. Олийгоҳлардаги масофавий таълим платформалари орқали талабалар фанлар бўйича материалларни олиши, дарсларда ва имтиҳонларда онлайн иштирок этиши мумкин.

Таълим сифатини ташқи баҳолаш ва таълим хизматларини кўрсатиш йўналишида амалга оширилган ислохотлар таълим жараёнининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундай ислохотлар орқали таълим ташкилотлари масъулияти кучайиб, миллий ва халқаро стандартларга мос, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш имконияти янада кенгайди. Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги мустақил тузилма сифатида ўқув сифатини ташқи баҳолашнинг самарали ечими бўла олади. Масофавий ва мақбуллаштирилган кундузги таълим шакллари ёшларга яратилаётган шарт-шароитларни кенгайтиради, қамров даражаси ортади.

Маҳмуджон БОЛТАБОВ,
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази директори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

бу унинг паррандачиликка бўлган қизиқишини сўндирча олмади. Инсон ҳар қанча пул топмасин, барибир ўзи яхши кўрган, хоҳлаган юмуш-ни қилиши кераклигини тушунди. Шу боис Олтинқўлга қайтиб келгач паррандачилик билан шугуллана бошлади.

— Осон ишнинг ўзи йўқ, — дейди М. Икромиддинхожиев илк фаолият дамларини эслаб. — Йўқотишлар, зарарлар ҳам бўлди. Лекин афсусланмадим, буларнинг барчаси тажриба мактаби вазифасини ўтади. Бугунги кунда нафақат ўзим, балки 4 нафар маҳалладошим ҳам шу иш ортидан даромад топмоқда.

Ёш бўлишига қарамай кўпчиликка ибрат мактабини ўтаётган мақола-миз қаҳрамони атғи бир сотих майдондан бир йилда 30 млн. сўмдан 50 млн. сўмгача даромад олиш мумкинлигини меҳнати орқали исботлаб келмоқда. “Тажриба янги лойиҳаларга, ижобий самараларга етаклайди” дегани шу-да.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).



Фиджитал-спорт — келажак ўйини

Бутунжаҳон фиджитал ҳамжамиятининг Дубайда ўтказилган “WPC Awards 2025” тадбирида фиджитал-спорт турининг ўзбекистонлик вакиллари ютуқлари эътироф этилди.



Айтиш жоизки, халқаро тадбир дунё бўйлаб фиджитал-спортнинг ривожланишига ҳисса қўшаётган мамлакатлар учун ташкил этилди. Унда Ўзбекистон фиджитал-

спорт федерацияси Жаҳон фиджитал ҳамжамиятининг олтин аъзолик мақомига эга бўлгани эълон қилинди ва сертификат ҳамда махсус мукофот топширилди.

Боксчиларимиз «Thailand Open» турнирида мутлақ ғолиб!

Бангкок шаҳрида бокс бўйича “Thailand Open” халқаро мусобақаси ўз якунига етди.



Финал жангларида иштирок этган 9 нафар вакилимиздан 5 таси ғалаба қозониб, олтин медалга эга чиқди.

Шу тариқа Ўзбекистон

терма жамоаси турнирда 5 та олтин, 4 та кумуш ва 7 та бронза медалларни ҳамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Қўл жангида қўлимиз баланд

29 май — 3 июнь кунлари Туркиянинг Бурса шаҳрида қўл жанги спорт тури бўйича катталар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди.

32 та давлатдан 300 дан зиёд спортчилар иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон вакиллари умумжамоа ҳисобида 1-ўринни (8 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза медаль) қўлга киритди.

2-ўрин Россия (4 та олтин, 2 та кумуш, 2 та бронза медаль), 3-ўрин Қозоғистон (2 та олтин, 6 та кумуш, 4 та бронза медаль) спортчиларига насиб этди.

«Ўзбек ботирлари» Гран-при мусобақасида

Наманган шаҳрида спорт курашлари бўйича “Ўзбек ботирлари” Гран-при мусобақаси бўлиб ўтди.



Иккинчи бор ташкил қилинган мазкур турнирда 7 мамлакатдан 150 дан зиёд спортчи иштирок этди. Баҳслар юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таркиб вакиллари ҳам

қатнашди. Бу орқали мураббийлар штаби спортчиларимизнинг бўлажак жаҳон чемпионати ҳамда бошқа нуфузли мусобақаларга тайёргарлигини кўздан кечириб олди.

«Халқ сўзи».

Венгрияда таниқли фотомухбир Шандор Уйварининг Ўзбекистонга бағишланган фотокўргазмаси очилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибчилик 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашіріет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашіріет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6